

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқукида

ҚОДИРОВА СУРАЙЁ ДЎСТҚОБИЛОВНАНИНГ
“ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ АСАРЛАРИДА ДИАЛЕКТИЗМЛАР”
МАВЗУСИДА

МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ
ЭТИЛГАН

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Термиз-2013

Мундарижа

Тадқиқотнинг умумий тавсифи.....	3
1-боб. Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилида сўз ва унинг таърифи.....	
1.1. Ҳикоялар тилида синонимларнинг ишлатилиши.....	
1.2. Ҳикоялар тилида кўп маъноли сўзларнинг ишлатилиши.....	
2-Боб. Шукур Холмирзаевнинг тил тасвирий воситаларидан фойдаланиш маҳорати.....	
2.1. Перифразалар ҳақида сўз.....	
2.2. Ўхшатиш асар тилининг беағзи сифатида.....	
2.3. Эпитетларнинг асарларда қўлланилиши.....	
2.4. Асарларда метафораларнинг ўрни.....	
3-боб. Шукур Холмирзаев асарларида диалектизмлар ва уларнинг кўринишлари.....	
3.1. Диалектизмларнинг адабий тилга муносабати.....	
3.2. Диалектизмларнинг бадиий асарларда қўлланилиши ва ишлатилиш мақсадлари.....	
3.3 Шукур Холмирзаев асарларида диалектизмлар ва улардан фойдаланишдаги ёзувчининг маҳорати.....	
3.4. Ш.Холмирзаев асарларида ишлатилган диалектизмларнинг турлари ва уларнинг услубий қўлланилиши.....	
Умумий хулосалар.....	
Адабиётлар рўйхати.....	

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилиги палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январ куни бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизатция қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиздир” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январ куни бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз-Ватанımız тарақиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” мавзуларидаги маърузаларидан келиб чиққан ҳолда бадиий адабиётнинг жамиятдаги ўрни ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Президентимиз И. Каримов маърузасида қуйидагилар таъкидланади.

“Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохатлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор”.

Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Президентимизнинг ушбу фикрларидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини асосини мустаҳкамлашда бадиий адабиётнинг ҳам муҳим ўрни бор. Зеро, бадиий адабиёт ёш авлодни,

шунингдек, оммани инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳида тарбияловчи муҳим манбалардан ҳисобланади.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида бадиий адабиёт тили билан алоқадор талайгина ишлар юзага келмоқда¹. Бироқ ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишларни янада жонлантиришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Чунки ҳанузгача кўплаб ижодкорларимизнинг бадиий тил имкониятлари борасида фикрлар юритиш тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бадиий асар тилини имкон доирасида ўрганиш муҳим ва долзарбдир. Хусусан, ўзбек адабиётида ўзининг бетакрор овозига, сўзига эга бўлган¹ ижодини кўпроқ ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳимдир.

Зеро, ўзбек адабиёти ва адабий тилимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган улкан адибимиз Шукур Холмирзаев ижодини ҳар қанча ўргансак камлик қилади. Шу мақсадда мазкур тадқиқот ишимизда ёзувчининг ҳикоялари тили, иш услуби, сўз танлаш ва ундан фойдаланишдаги ўзига хос маҳорати ва бошқа жиҳатлари хусусида фикрлар юритамиз.

Маълумки, Шукур Холмирзаев ижоди ўзининг серқирра, сербўёқлиги ҳамда ифода воситаларига бойлиги билан характерланади.² Бу ҳолат, шубҳасиз, ёзувчининг бадиий тил имкониятларидан кенг ва атрофлича фойдаланганлигини тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, ёзувчи ҳикоялари тили ранг-баранг характерга эга. Бу ёзувчининг ўзбек тили имкониятларидан қай тарзда ва қай йўсинда фойдаланиш маҳоратидан далолат беради.

Ёзувчи ҳикоялари дунёсига кириб борар эканмиз, муаллифнинг теран, изчил фикрларга эга эканлигига дуч келамиз. Шубҳасиз, ёзувчининг бадиий тил воситаларидан унумли фойдалана олиши унинг асарлари, жумладан ҳикоялари тилининг равнақ топишига сабаб бўлади. Хуллас, шуларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

¹ Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романининг тили мисолида) Филол. фанлари. номз. диссертацияси. – Т, 2000,

² Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий тил маҳорати. Филол. фанлари. номз. диссертацияси. – Т, 2003, 326

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ўзбек тилшунослигида Шукур Холмирзаев ижодининг у ёки бу томонларини ўрганиш борасида айрим тадқиқотлар юзага келган. Хусусан, филология фанлари номзоди Рўзикул Нормуродовнинг Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати бағишланган тадқиқотини кўрсатиб ўтиш лозим. Бироқ таъкидланганидек, ҳали кўплаб ижодкорларимизнинг, хусусан, Шукур Холмирзаев асарларининг у ёки бу жиҳатлари тадқиқотчиларимизнинг назаридан четда қолиб келмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу магистрлик ишимизда Шукур Холмирзаев ҳикоялари лингвопоэтикаси масаласида фикрлар юритмоқчимиз. Зеро, ёзувчининг бадиий тил бадиияти юксак савияда эканлиги билан характерланади. Чунки ёзувчи ижодида умумхалқ ўзбек тилида мавжуд бўлган луғавий бирликлар жамланган бўлиб, ундан ёзувчи имкон доирасида фойдаланади. Бу эса ёзувчининг ҳикоялари тилини ўрганиш ва тадқиқ этиш учун сабаб бўлади.

Тадқиқот вазифалари. Мазкур мақсадга эришиш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

–Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилининг ўзига хос қонуниятлари ва тамойилларини белгилаш;

– Шукур Холмирзаевнинг умумхалқ ўзбек тил имкониятларидан фойдаланишдаги топқир ва зукколиги ҳамда сезгир ва сержавоб эканлигини аниқлаш;

–Шукур Холмирзаевнинг тил тасвирий воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини текшириш ва таҳлил жараёнида кўрсатиб бериш;

–Шукур Холмирзаев оғзаки нутқ воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини аниқлаш кабилар асосий вазифалар сирасига киради.

Тадқиқотнинг объекти ва материаллари. Ишнинг объекти сифатида ёзувчининг ҳикоялар тўпламига мурожаат этилди. Ёзувчи ҳикоялари орасидан айримлари танлаб олинди ва таҳлил доирасига тортилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқ усуллари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг миллий ғоя,

маънавий қадриятларга муносабат ва илм-фан тараққиёти билан боғлиқ қарашлари ҳамда диалектик фалсафанинг кенг тарқалган тадқиқ усуллари ишнинг методологик асосини ташкил этади. Масалани ёритишда ҳозирги кунда ўзбек тилшунослиги қўлга киритаётган ютуқлардан ҳамда жаҳон тилшунослигида амалга оширилаётган назарий фикрлардан ижодий фойдаланиш тадқиқот иши учун назарий манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқот мавзусини ёритиш ва баён этишда ҳозирги кунда тилшуносликда кенг тарқалган таснифий методдан, шунингдек, қиёсий-чоғиштириш, таққослаш методларидан кенг фойдаланилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Шукур Холмирзаевнинг ҳар бир сўз ва ундан унумли фойдаланишда ижодкорлик маҳорати ҳисобга олинди, ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллай билишда ёзувчининг таланти маҳорати аниқланди.
2. Ёзувчининг умумхалқ ўзбек тили имкониятларидан фойдаланишдаги бадиий маҳорати, хусусан, халқона тилда ижод этиш иқтидори аниқланди.
3. Ёзувчининг тил тасвирий воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланиши ва шунинг баробарида асарлари тилининг таъсирчанлиги ошиб бориши кузатилди.
4. Шукур Холмирзаевнинг жонли сўзлашув тил воситаларидан фойдаланишида ҳам унинг катта маҳорат эгаси эканлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотда ўзбек тилшунослигида ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бири Шукур Холмирзаев ҳикоялари лингвопоэтикасини ўрганишга доир фикрлар баҳоли қудрат айтиб ўтилди:

– ёзувчининг ўзбек адабий тили имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланиш маҳорати аниқланди;

– ҳикоялари тилида муҳим ва керакли деб ҳисобланган нутқий ва луғавий бирликлари белгиланиб олинди.

– Ёзувчи ҳикоялари тилида энг фаол иштирок этувчи сўзлар частотаси (суръати) кўздан кечирилди ва бажарилиши лозим бўлган галдаги ишлар сирасига юклатилди;

– Ёзувчининг етук талант маҳорати эканлиги ҳамда сўз танлаш ва ундан фойдаланиш билим ва иқтидори кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт дарсларида ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ўқувчиларнинг сўзамоллигини ошириш ҳамда улардаги қисқа, ихчам фикрлашни камол топтириш йўлида ва университетнинг филология талабаларига мутахассислик бўйича амалга ошириладиган маърузаларда фойдаланиш мумкин фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 67 саҳифани ташкил этади.

Бадиий асарнинг бош унсури сўз эканлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Зеро, сўз, умуман, тилдир.¹ Шу жиҳатдан ҳам асарнинг чинакам санъат даражасига кўтарила олишида бадиий тил, хусусан, муаллифнинг тил воситаларини қай даражада қўллай олиши асосий омил ҳисобланади². Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўзбек адабиётини зарҳал ҳарфлар билан безаб бошлаган Шукур Холмирзаев ана шундай етук ижодкор сифатида тарихда мангу қолди.

Дарҳақиқат, Шукур Холмирзаев ўзбек адабиётимиз тарихида чуқур из қолдирган ижодкордир. Шунга кўра ёзувчининг асарларининг тилини ўрганиш **биринчидан**, адибнинг бадиий тил маҳоратини белгилаш имкониятини берса, шу билан бирга, унинг тилимиз ривожига қўшган ҳиссасини айтиш, баҳолаш имконияти пайдо бўлди. **Иккинчидан**, муллифнинг тилшунослигимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини бекаму-кўст айтиб ўтиш жоиз бўлади. У ўзига хос ёзувчи эди. Унинг асарлари (қандай жанрда ёзилган бўлмасин) халқона оҳангларда битилганлиги билан бошқа ижодкорлар услубидан ажралиб туради. Ана шу ўзига хосликни таъминловчи бадиий тил воситалари, шубҳасиз, ёзувчининг ўзбек умумхалқ тили воситаларидан унумли ва ўринли фойдалана билишида намоён бўлади.

Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилини ўрганиш борасида талайгина ишлар яратилган ва яратилмоқда³. Айниқса, кейинги йилларда бу соҳада қилинаётган ишлар диққатга моликдир (таъкид-бизники Г.Б.). Бироқ айрим шоир ва ёзувчиларимизнинг бадиий тил маҳоратини ўрганишга қаратилган ишлар ҳали етарли эмас. Айтиш мумкинки, Шукур Холмирзаев асарлари тилининг ўзига хос томонлари у ёки бу томонлама ўрганилган⁴. Лекин ёзувчи ҳикояларининг тили ва услубини ўрганиш борасида ҳали жиддий тадқиқот қилинган эмас. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот ёзувчи

1. Ёўлдошев М. Бадиий нутқ лингвопоэтикаси. Монография. – Т: Фан, 2008. – 159.б

2. Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари. Филол. фанлари. номз. дисс..автореф. – Т, 2006

3. Джалалова Л.Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқи. Филол. фанлари. номз. дисс..автореф. – Т, 2007.

4. Маҳмудов Н.Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987.№4. – Б.34-36.

ҳикояларининг тили ва усулubi масаласида олиб борилган илк тадқиқотлардан биридир. Мазкур тадқиқотда ёзувчи ҳикоялари лингвопоэтикасига доир фикрлар борасида сўз юритмоқчимиз. Масаланинг муҳим томони шундаки, ҳар бир ижодкорнинг сўз танлашдаги ва қўллашдаги маҳоратини тадқиқ этилиши тилшунослигимиз ривожиди ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир ижодкорнинг индивидуал услуби, ўзбек тили имкониятларидан қай даражада ёки қай йўсинда фойдалана билиши алоҳида услубдир.

Шукур Холмирзаев ижоди ўрганилаётганда, шубҳасиз, ёзувчининг бу борадаги изланишлари ўта даражада мукаммал эканлиги билан характерланади. Ёзувчи асарлари тилини қунт билан ўрганиш жараёнида шу нарсага амин бўламизки, унинг тили содда, равон, халқона ва тушунарлидир. Бу, шубҳасиз, муаллифнинг умумхалқ ўзбек тили воситаларини синчковлик билан танлай билиш маҳоратидан дарак беради. Бу синчковлик, албатта, ҳар бир ижодкорга тааллуқли бўлган иш.

Зеро, шоир ва ёзувчиларимиз асарлар яратиш жараёнида ўз ижодий лабораторияларида умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча луғавий ва услубий воситаларини жамлайдилар. Шулар орасидан сараланганларини ўз ижод саҳифаларига киритадилар.

Шукур Холмирзаев шундай сўз сеҳрини сезган, ундан бадиий тилнинг намунали воситаси сифатида фойдалана олган ижодкор эди. Мазкур тадқиқот давомида Шукур Холмирзаев ўзбек лингвопоэтикасининг ўзига хос томонларини очиб беришда сўздан унумли ва ўринли ҳамда моҳирона фойдаланишдаги айрим жиҳатларини кўздан кечирамиз.

Шукур Холмирзаев– халқчил ёзувчи. У халқнинг тилини яхши билган, халқ тилига ҳамоҳанг бўлган ижодкордир. Шунинг учун ҳам ёзувчи асарлари тили халқона оҳангда йўғрилган. Бу, шубҳасиз, ёзувчи асарлари тилининг содда, равон, тушунарли бўлишини таъминлаган. Хусусан, ёзувчининг бадиий тил лингвопоэтикасига алоқадор бўлган **“ Оғир тош кўчса”, “Сўнгги бекат”, “Қил кўприк”, “Бодом қишда гуллади”, “Қушлар**

қишловдан қайтди”, “Наврўз, Наврўз” каби ҳикоялари тилини ўрганиш жараёнида бунинг бевосита гувоҳи бўлдик.

Шукур Холмирзаев ҳар бир асарининг тилини пухта, пишиқ, мукаммал бўлишини таъминлашда, шубҳасиз, халқ тили имкониятларига эътибор қаратади. Унинг халқ ҳикматли сўзлари, мақол, матал ва турли хил халқ оғзаки материалларидан фойдалана билиши таҳсинга лойиқдир.

Шукур Холмирзаев ўта нозик дидли ёзувчидир. У ҳар бир сўзни нозик дид, кузатувчилик билан танлайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи асарлари тили оҳангдор ва жозибадордир. Хуллас, ёзувчининг ижоди серқирра ва сербўёқдир, шунга кўра ёзувчи асарлари тили ўзига хос оҳангда ифода этилганлик нуқтаи назаридан ҳам ажралиб туради.

Бадиий асар тилини ўрганиш ижодкорнинг ўзига хос бадиий тил воситаларини танлай билиши, ундан ўринли ва унумли фойдалана олишини тақозо этади. Шубҳасиз, тадқиқодчи ёзувчининг бадиий маҳоратини, ўзига хос услубини ўрганиш борасида масаланинг шу томонига диққат-эътиборини қаратмоғи лозим бўлади.

Шукур Холмирзаев ижодини ўрганилиш жараёнида ёзувчининг ўзбек тилида мавжуд бўлган луғавий ва услубий воситаларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш имкониятига эга бўламиз.. Таъкидлаш жоизки, ёзувчи умумхалқ тилида мавжуд барча луғавий ва услубий воситалардан моҳирлик билан фойдаланган. Айниқса, унинг бадиий тил тасвирий воситаларидан фойдаланиши, оғзаки нутққа хос сўзларни ишлатишда топқир ва зукколиги, янги сўз ва ибораларни ишлатиши, шунингдек, фраземалардан фойдаланиш маҳорати характерлидир. Шунга кўра қуйидагилар асосий мақсад ва вазифалар деб белгиланди.

– Шукур Холмирзаевнинг ҳар бир сўздан асар тилининг пухта, пишиқ, мукаммал бўлишини таъминлаш мақсадида фойдаланишдаги бадиий таланти ва иқтидорини аниқлаш;

– бадий тилнинг оҳангдорлиги ва жозибadorлигини таъминлаш мақсадида ёзувчининг тил тасвирий воситаларидан фойдаланиш имкониятини белгилаш;

– ёзувчи асарлари тилининг содда, раво, қисқа, ихчам бўлишини таъминловчи фактик манбаларни ажратиш;

– ёзувчи ҳикояларида бадий такрорларнинг ўрнини белгилаш, унинг такрорий воситалардан фойдаланишдаги ўзига хос жиҳатларини очиб бериш;

– ёзувчи асарлари тилини халқчил, халқона тил воситаларига бой бўлишини таъминлашда оғзаки нутқ воситаларининг алоҳида ўрни кузатилади. Шунга кўра ёзувчининг жонли сўзлашувга хос тил бирликларидан фойдаланиш таланти ва иқтидорини аниқлаш;

– ўзбек ҳикоячилигида тутган ўрнини, унинг ўзбек тилига, ундан фойдаланишга бўлган муносабатини белгилаш.

Шундай қилиб, Шукур Холмирзаев – эл ардоқлаган ёзувчи. Унинг ҳар бир асарини ўқиган китобхон олам-олам қувонч олади, шодлик уммонига ғарқ бўлади. Шубҳасиз, бу ҳолат ёзувчини элга танитган унинг асарлари тилидир. Ёзувчининг ўзига хос услубдалигидир. Хулоса қилиб айтганда, Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини ўрганиш давр талабидир. Шу орқали ёзувчининг ўзбек адабий тили ҳамда бадий адабиёти тили ривожига қўшган ҳиссасини тадқиқ этаиш имкониятига эга бўламиз.

1-бoб. ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲИКОЯЛАРИ ТИЛИДА СЎЗ ВА УНИНГ ТАЪРИФИ

Бадий асар учун сўз асосий озуқа манбаи ҳисобланади. Сўз бадий асарни жонлантирадиган, унга жилва берадиган, ранг-баранг манзара ҳосил қиладиган безакдир. Сўз ва унинг бадий матндаги ўрни ҳамда бадий асарга

янгича мазмун бахшида этиши кўплаб тилшунос олимлар изланишларида ўз ифодасини топган¹. Хуллас, сўздан нечоғлик ёки қай йўсинда фойдаланиш бадий асар учун битмас-туганмас бойликка эга. Шукур Холмирзаев сўз санъаткори сифатида ҳар бир сўздан унумли ва ўринли фойдаланади, нима демокчи бўлса, албатта, ўз фикрини сўз билан баён этади. Шунинг учун ҳам ёзувчининг ҳар бир асарини тили пухта, содда, равон ҳамда ўқилиши тушунарлилиги билан характерланади. Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилига назар ташлар эканмиз, **биринчи навбатда** ёзувчининг айтаётган фикрини қисқа, ихчам, лўнда баён этаётганлигидан воқиф бўламиз. Қисқалик эса асарнинг янада мазмунини оширади, ўқувчини кўплаб мушоҳада юритишга жалб этади. **Иккинчидан**, асар тилида ишлатиладиган ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллай билади, унга турлича безак бериб асар тилининг оҳангдор, жозибатор бўлишига эришади. Пировардида ўқувчининг асар мазмунини ўз-ўзига сингдириб олиш имкониятига эга бўлади. Хуллас, ёзувчи асарларида сўз асосий восита сифатида ишлатилади. Ушбу бобда ёзувчи ижодида сўз ва ундан фойдаланишдаги талант ва маҳорати хусусида фикрлар юритмоқчимиз.

Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини кунт билан ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, ёзувчи ҳар бир сўзни ишлатишда ундан маълум бир мақсадларни кўзлайди. Янгича маъно қирралари очишга ҳаракат қилади. Натижада асар тилининг ранг-баранглигига эришади.

Сўз умуман нутқнинг, шунингдек бадий асарнинг ҳам асосий ифода воситаси бўлиб, ёзувчининг мақсади, ҳатти-ҳаракати, интилишлари, қолаверса образ яратишдаги бадий маҳорати ҳам шу билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Сўз кишининг алоқа воситаси саналган тилнинг ҳам асосий элементиدير. Шундай экан ҳар бир санъаткор ҳаётни, воқеийликни образли тасвирлашда тилдаги сўзлардан унумли фойдаланади..

Демак, ҳар бир ҳикоянинг бадий жиҳатдан таъсирчан, образли, бўёқдор бўлишида асосий унсуриدير. Қолаверса, бадий нутқ тушунчаси барча халқларда бир хил бироқ ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари борлиги,

яшаш тарзи ҳар хил бўлгани учун ҳам бадиий нутқ турлича номоён бўлади. Адибнинг ҳикоялари тили ана шундай халқ анъаналари, унинг урф-одатлари, яшаш тарзи, халқнинг бутун орзу умидлари замирида шакллангани ҳам фикримизга асос бўлади. Бинобарин, тилда халқ гапиради, шунинг учун ҳам, унинг вакили бўлмиш санъаткор қандай хоҳласа, шундай тарзда ўз фикрини сўз билан ифодалайди. Шукур Холмирзаев ўз ҳикоялари тилини бойитиш, унинг баркамол бўлишини таъминлаш учун ҳам халқ тилига мурожаат қилади.

Ҳар бир сўзнинг маънавий жиҳатини ўрганиш жараёнида унинг маъноси қай даражада ифода усулига эга бўлиши ва бўлмаслигига қараб талқин қилинади. Масалан, камбағал ва гадо сўзлари маъно жиҳатдан фарқланади. Чунки камбағал сўзи оғзаки нутққа хос бўлиб, гадо сўзи эса китобий нутққа тааллуқлидир. Айни пайтда камбағал сўзига нисбатан гадо сўзининг салбий маъноси кучлидир. Масалан, “шундай деб, у турмушнинг ҳар қалай “ёмон омонлари” кўплигини эслади. Камбағал, гадолар кўп эди. (“Қил кўприк”, 12)

Умуман ушбу матнда камбағал, гадо сўзлари ўзаро синоним сўзлар сифатида қўлланган ва таъкидни кучайтириш учун фойдаланган.

Дарвоқе, сўз инсон маънавиятининг битмас-туганмас хазинаси сифатида номоён бўлар экан, ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг характерининг очишида сўзнинг у ёки бу хусусиятларидан унумли фойдаланадилар. Баъзан бадиий матнларда сўзнинг ана шундай одамга озуқа бериши, кайфият ва руҳиятини кўтаришини кўрамыз. Бундай мисоллар Шукур Холмирзаев бадиий прозаси тилининг ўзига хос ифодавийлигини уюштиришга ҳам хизмат қилган: “қуллуқ, куллуқ, бошим осмонга етди, жон ука. Янаги шанба. Соат олтиларда. Ишдан чиқадиган пайтимизга тўғри келади.” (“Оғир тош кўчса”) ушбу матндаги талайгина сўзлар кишига маънавий озуқа беради, чунки ҳар бир сўзда ҳурмат, иззат, ифтихор каби маънолар мужассам этилган. Хусусан, қуллуқ, куллуқ такрор сўзлари бошим осмонга етди, жон, ука каби бирикмаларда севинмоқ, суюнмоқ маънолари бор. Бундай сўзларнинг матнда шу тарзда қўлланиши фақат асар тилининг ўзига

хослигини таъминлабгина қолмайди, балки сўзловчи томонидан тингловчига маънавий озуқа беради. Демак, сўздан ўринли ва унумли фойдаланиш , хусусан инсон нутқида доимо яхши ва ижобий сўзларнинг намоён бўлиши инсон маънавиятига ижобий таъсир этиб боради. Бадиий адабиёт тилида сўздан оқилона фойдаланиш натижасида бадиий матннинг таъсирчанлиги ошади ва кишининг диққатини ўзига жалб этади.

Бадиий ҳикоялар тилини кунт билан ўрганар эканмиз, унда сўзларнинг матнларда образлиликни уюштириш ҳамда бўёқдоликни юзага келтиришини кузатамиз. Бу ўринда М. Поляковнинг “Бадиий адабиёт тилида сўз образли тушунчаларни шакллантиради ва уни юзага келтиради”¹. Шундай экан, сўз бадиий матнда образли фикрни ифодалаш учун хизмат қилади, бунинг учун ёзувчида образ яратиш учун етарли имкониятлар мавжуд бўлиши лозим.

1.1 Ҳикояларда синонимлар сўзларнинг ишлатилиши.

Синонимларни ишлатиш масаласи Шукур Холмирзаев ҳикоялари тили учун характерли бўлиб, уни алоҳида режада ўрганиш санъаткор бадиий маҳоратини қай даражада эканлигидан далолат беради. Инчинун, синонимлар ҳам тил луғат таркибидаги бошқа сўзлар каби умумий ва яқка тартибдаги белгиларига эга бўлиб бошқа сўзлар каби маъно ифодалаш хусусияти жиҳатдан умумий бўлса ҳам, синонимик қатордаги сўзларнинг маъно ифодалашдаги ранг-баранглиги нуқтаи назаридан уларнинг алоҳида жиҳатлари мавжуд. Худди шу нарса синонимларнинг бадиий адабиётда фаол қўлланилиши учун замин яратади. Ундан ҳар бир санъаткор оқилона фойдаланиши лозим. Ш. Холмирзаев бу масалада етарли имкониятларга эга бўлган ижодкор сифатида синоним сўзларни ҳар бир асарига сингдиришга ҳаракат қилади ва ўз асари қаҳрамонларининг нутқини бойитади. Масалан. “Мабодо бирининг қолиб бирининг кетишига тўғри келса ўша тун уйларида уйқу ҳам кам бўлар эди ва тун сифатида ёдларида қолар эди”. (“Оғир тош кўчса”)

¹ Поляков М.С. Вопросы поэтики и художественной семантики. - М.: Просвещение, 1978-128с

Икромжон шундай “баъзан” пайтларда ширин ўтган дамлари Турсуной билан кабутарлар каби ғудиллашиб гаплашганлари, пиқир-пиқир кулишганлари ва ширин-ширин хаёл суриб ётганларини эслаш билан кўнглига таскин беради. (“Оғир тош кўчса”)

Ушбу матнларда Ш.Холмирзаев ширин ва лаззатли сўзларини қўллаш орқали ҳаётий масаларини ҳам ёрқин тимсоллар асосида очиб берган, яъни қахрамонларнинг характеридаги ўзига хос жиҳатлари, ички руҳияти ва бир-бирига бўлган муносабати ана шу тил birlikлари орқали китобхон кўз ўнгида гавдаланади. Айни пайтда матнда қўлланилган бу сўзлар маънодаги нозикликлари билан ҳам фарқланади.

Чунончи, “лаззатли” сўзида белги даражаси кучли бўлиб, маълум даражада лаззат бахш этиш даражасидаги хусусиятни ифодалаш учун ишлатилади. “Ширин” сўзида эса эса асосий эътибор нарса-предметдаги мавжуд ўзига хос хусусиятига қаратилган ва ана шу жиҳати ўз ифодасини топган, яъни ширин сўзида маза таъмини ифодалаш кучлироқ бўлса, лаззатли сўзида роҳатбахшликни ифодалиш кучлироқдир. Ёзувчи асарларида синонимик қаторларга кирувчи бундай сўзлардан фойдаланиш намуналари анчагина учрайди. Кўринадики, ёзувчи ўз қахрамонларининг ички дунёсидаги характерли хусусиятларини очиш мақсадида ҳам ушбу сўзлардан фойдаланган. Аслида, ёзувчи бир тушунчани турли воситалар билан ифодалаш мақсадида ҳам шу нарсага эътиборини қаратган. Айни пайтда, матндаги қўлланилган сўзларнинг бу маъносидagi нозиклик ҳам турлича эканлигини назардан қочирмаган. Матнда “ўтган дамлари” иборасини қўллар экан, ёзувчи кейинги жумлаларида бу иборани гўё “парчалайди”. унинг ифодалаган маъноларини бирма-бир изоҳлайди: ғудиллашиб гаплашганлари, пиқир-пиқир кулишганлари, ширин –ширин хаёл суриб ётганлари каби матний синонимлар орқали ўша тушунча моҳиятини таъкидлаш орқали очиб беради.

Бинобарин матний адабиёт тилининг ранг-баранглигини турли сўз ва иборалар ана шундай ҳолатга келтиради. Бадиий тилнинг бу каби услубий

жиҳатдан бўёқдор ва жозибатор бўлишини таъминлашда синоним сўзлар асосий вазифани бажаради. Бадиий асар тилида қўлланилувчи синонимлар нозик маъносига кўра фарқланади.. шу жиҳатдан синонимлар оасидаги нозик маъно фарқлари ўзига хос экспрессив мазмунни келтириб чиқаради, синонимик қатордаги сўзнинг ҳар бири маълум услубдагина қўлланилади.² Хусусан санъаткорлар бир сўзни айнан такрорламасликлари учун синонимларнинг ана шу бадиий- семантик нозиклигига эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам , синонимлар нутқнинг ранг-баранглиги, унинг ифодалилигини белгиловчи восита бўлиб, сўз танлаш тамойилидан келиб чиқиб, ёзувчи тили ва услубини ўрганиш учун хос бўлган масалалардан биридир.¹ Синоним сўзлар нутқ жараёнида табақаланади. Бу табақаланишда ҳам синонимларнинг эмоционал- стилистик бўёқдорлиги ва маъно нозиклигининг айрим томонлари ўрганилиб боради. Хусусан синонимларнинг бадиий нутқ учун хосланганлари, асосан ижобий бўёққа эга бўлади, ҳамда уларда тантановорлик поэтик жиҳатдан устунлик кузатилади, оғзаки нутққа хосларида эса салбий бўёқ кучлилиги сезилади. Дарҳақиқат, тилларда синоним сўзларни шу тарзда табақалаб қўллаш муҳим хусусиятларни вужудга келтиради. Масалан: ”Сафга яроқсиз турна ҳам тақдирга тан бермоғи керак. Лекин ўжар,қайсар. Чўлоқ буни ҳис этса-да, ўзини даҳшат қўйнига ташлагиси келмайди ” (“Оғир тош кўчса”). Ушбу матнда қўлланилган ўжар, қайсар сўзлари оғзаки нутққа хос синонимлардир. Аввало, матн ранг-баранг бўёққа эга, ундан ташқари бадиий матнга хос белгиларни ифодалаган. Аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу синоним сўзлар асосан салбий муносабатни ифодалаш учун қўлланилган, яъни ўз тақдирига тан беришни истамаган турнанинг салбий томони шу тарзда чизиб берилган. Синонимларни шу тарзда белгилаш ҳам бадиий асар тилининг сержило ва сербўёқ бўлишда кенг имкониятлар яратади.

Умуман олганда, синонимлар барча тилларда бадиий тилнинг луғат бойлигини ташкил этувчи бирликлар ҳисобланиб, матнда турлихил маъно

1.Дониёров А Бадиий нутқ стилистикасидан материаллар.-Гулистон,-Б.113

нозиклигини юзага келтиришда кенг имкониятларга эга. Шунинг учун ҳам, ҳар бир санъаткор бир сўзни айнан ишлатмаслик учун ҳам фикрнинг изчил ва таъсирчан бўлишини таъминлаш мақсадида синонимлардан кенг фойдаланади. Бу эса синонимия ҳодисасига мумкин қадар эътиборни кўпроқ қаратмоқликни тақозо этади. Шу боисдан ҳам Ш.Холмирзаев асарларида ёзувчи ўзбек тили лексикасининг асосий тармоқларидан бири бўлган синоним сўзлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилган¹.

1.2. Кўп маъноли сўзларнинг қўлланилиши. Шукур Холмирзаев бадиий тилини бойитувчи луғавий бирликлардан яна бири кўп маъноли сўзлардир. Маълумки, кўп маънолилик барча тилларнинг луғат бойлигини белгилашда ҳам ўзига хос ўринга эга. Кўп маънолилик бир сўзнинг маъно кўчимидан янги маънолар юзага келиши натижасида ҳосил бўлади.

Демак, биз кўп маъноли сўзни бир сўз тарзида англаймиз ҳамда унинг маъно жиҳатдан турфа хусусиятларга эга эканлигини тушунамиз. Қуйида ёзувчи ҳикояларида учрайдиган кўп маъноли сўзларнинг баъзи жиҳатларини кўриб ўтамиз.

Масалан, “Соқий узун бурнини жийриб,” “Бу ёмон-ку,” деб тўнғиллади Ислом билан пичирлашиб, қаттиқ кулишди” (“Оғир тош кўчса”)

“Узун кўчанинг бир боши марказ тарафга кетар, бир боши тошлоқ орқали сойга тушарди.” (“Оғир тош кўчса”)

Юқорида берилган иккала гапда ҳам “узун” сўзи қўлланилган ва маъно бир-биридан фарқли томонларини юзага келтирса, яъни биринчи гапда буруннинг узунлиги, иккинчи гапда кўчанинг узунлигини ифодалаган. Кўп маънолилик тилнинг луғат бойлигини юзага келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб, полисемия бир сўзнинг маъно кўчимидан янги маънолар келиши тарафдан юзага келади. Ана шу янги маънолар турли хил фикр ва ифодаларни уюштиради ёки нарса ва предметлар орасида алоқадорликни мантиқан асослашга хизмат қилади. Шу жиҳати билан у тил бойлигига айланади. Полесемантик сўзнинг бу каби янги маънолар асосида шаклланиши Шукур Холмирзаев ижоди учун ҳам хосдир. Буни қуйидаги

мисоллар орқали яққол кўришимиз мумкин: ” Ҳм, давомини ҳам айтайми? Кейин бемехр ўғил оилага бош бўлиб қолди. Отасининг барча маросимларини ўша ўтказди”. (“Оғир тош кўчса”)

“Узун кўчанинг бир боши марказ тарафга кетар, бир боши тошлок орқали сойга тушарди. (“Оғир тош кўчса”)

Келтирилган сўзлардаги бош сўзи кўп маънолилиқ хусусиятига эгадир.

Чунончи, биринчи жумлада: “оилага бошлиқ, раҳбар ” маъноларида , иккинчи гапта “кўчанинг юқори тарафи” маъносида қўлланилган. Кўринадикки, бош сўзининг турли маъноларидан ўринли фойдалана олган. Кўп маънолилиқнинг юзага келиши объектив борлиқни англашда, уни ҳис этишда, шу билан бирга тил тараққиётининг ривожини билан белгиланади. Яъни полисемия тараққиёт ва маънавий ровож белгисидир. Қайси халқда фан, техника, маданият, санъат тараққий этиган бўлса, ўша халқ объектив борлиқнинг ўзаро алақасини шунча кўпроқ кўради, уларни бир-бирига кўпроқ қиёс этади ва булар тилда кўпроқ ўз аксини топади.¹ Шундай экан сўзда турли маъноларни юзага келиши жараёнида оралиқдаги бирор маъно кейинги маъноларни заро боғловчи занжир вазифасини бажариши ҳам мумкин.

Албатта, бу ҳолат ўзбек адабий прозаси тили учун муҳим бўлиб кўп маънолилиқни таҳлил этишда ана шу сўзлар орасидаги маъно муносабатни тушуниб етмоқ лозим. Чунончи, муаллиф ижодида ҳам полисемиянинг шу каби хусусиятларига эътибор қаратилган. Айтиш мумкинки, икки хил ёки ундан ортиқ нарса ва предметларнинг маънодаги вазифадошлиғи нутқнинг услубий томондан жозибадорлигини таъминлайди. Чунончи. Муаллиф ижодида ҳам полисемиянинг шу каби хусусиятларига эътибор қаратилган. Айтиш мумкинки, икки хил ёки ундан ортиқ нарса ва предметларнинг маънодаги вазифадошлиғи нутқнинг услубий томондан жозибадорлигини таъминлайди.¹

Қуйида келтирилган матнлардан буни кузатишимиз мумкин: “Тўғайсари Баҳодир кўримсиз бир йигит билан Муртознинг ўртасида.Эгнида қора

чакмон, оёғида ўкчали этик. Этакларига лой сачраган. Этакдаги қора дара томондан учиб келаётган отликларга қарайди”. (“Қил кўприк”, 243) ушбу кичик парчада этак сўзи икки ўринда келтирилган. Дарвоқе, чопоннинг этаги, тоғнинг этаги, дарёнинг этаги, булоқнинг этаги ва ҳақозо тарзда бўлиши мумкин. Демак, ушбу гапларда келтирилган *этак* сўзи кўп маъноли сўзdir. Этак сўзидаги кўчиш метафора йўли билан юзага келган. Ёзувчи *этак* сўзини икки хил йўл билан қўллаш орқали асарининг халқчил бўлишини таъминлаган.

Кўп маънолилиқни таҳлил этиш, уни бирор асар ёки ҳикоя талқинида ёки бўлмаса маълум бир ижодкор ижоди орқали ўрганиш муҳим фактларни юзага келтириши, маълум назарий хулосаларга асос бўлиши табиийdir. Шу боисдан бўлса керак, ёзувчи ижодида қўлланилган кўп маънолили сўзларни таҳлил этиш, ижодкор бадиий маҳоратининг қай даражада эканлигини белгилаб беради.

1.3. Адиб асарларида антонимларнинг ишлатилиши. Шукур Холмирзаев асаларида антонимларнинг ҳам ишлатилиши ҳам ўзига хос. Маълумки, қарама-қарши (зид) маъноларни билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади. Масалан, яхши-ёмон, узун-калта, баланд-паст ва ҳ. Антонимлик муносабатлари асосан белги билдирувчи сўзларда бўлади. Шу боисдан антонимлар асосан сифат: оқ-қора, равиш: яқин-йироқ, қисман от туркумига уруш-тинчлик, дўст-душман. Тилдаги барча сўзларнинг антоними бўлавермайди. Масалан, сон, олмош. Модал сўзларда антонимлик муносабатлари мавжуд эмас. Сўзлар асл маъноига ва кўчма маъносига кўра антоним бўлиши мумкин. Масалан, иссиқ-совуқ, асл маъносига кўра, иссиқ(ёқимли-истараси иссиқ), совуқ(ёқимсиз-турқи совуқ) кўчма маъноларига кўра ҳам антонимdir. Кўп маъноли сўзлар ҳам ҳар бир маъноси билан ҳам бошқасига антоним бўлиши мумкин.

Адиб етарли имкониятларга эга бўлган ижодкор сифатида антоним сўзлардан ҳар бир ҳикояларида сингдиришга ҳаракат қилади ва ўз ҳикоя қаҳрамонларининг нутқини бойитади. Масалан: ”Йигитали хўрсинди, ўчок

яқинидаги харсангда ўтирган Эсонга кўзи тушиб, хўмрайди, сўнг жилмайди. Эсон “Э” дегандай кўл силкиди” .(“Оғир тош кўчса”) . Бу гапда хўмрайди-жилмайди сўзлари антоним бўлиб келган. Бу сўзларни кўллаш орқали ҳаётий масалаларни ҳам ҳаётий тимсоллар асосида очиб берган.

Хуллас, ёзувчи Шукур Холмирзаев ижодини кузатар эканмиз:

1) унинг ўзбек насри тилининг сўз бойликларини яхши билиши англашилади.

2) ўз ҳикояларида тилимиз луғат бойлигидаги сўзларни саралашга, танлашга бефарқ эмаслиги кузатилади....

3) муаллиф сўзларни тўғри кўллар экан, ҳикояда уни ўзи кўтара оладиган бадиий вазифа юклайди.

4) ёзувчи ўз ҳикояларида синоним, кўп маъноли сўзлар, антонимлардан ўринли фойдаланган ва бу билан ҳикояларнинг халқчиллигини таъминлаган.

Шукур Холмирзаев синонимлар ва кўп маънолилиқнинг бадиий асардаги ўрнини тўғри ҳис этади, ҳамда ўз ҳикояларида улардан ўринли фойдаланишга алоҳида эътибор беради.

II БОБ. ЁЗУВЧИНИНГ ТИЛ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланиш Маҳорати

Услуб ва стилистик тасвирий воситаларни ўрганиш тилшунослик фанининг доимий долзарб ва муҳим вазифалардаг биридир. Чунки ҳар бир лингвистик бадиий восита нутқ жараёнида номинатив вазифани бажариш

билан бир қаторда бадий тасвирий восита ҳам бўлиши мумкин. Зеро, бундай воситалар бадий тилнинг ҳар жиҳатдан таъсирчан бўлиши учун кенг имкониятлар яратади. Дарҳақиқат, ўзбек адабий тилида тасвирий воситалар ишдатилади, нутқда бадий бўёқ, экспрессивлик беради. Шундай экан муҳим саналиб улар бадий адабиётда, оғзаки нутқда, фольклорда жуда кўп тасвирий воситаларни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил этиш бугунги давр тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Шу ўринда бадий тилнинг ҳар томонлама жозиба ва оҳангдор бўлишига кенг имконият яратувчи айрим бадий тасвирий воситалар ҳақида қисқача баён этамиз.

2.1 Перифразалар ҳақида сўз. Маълумки, Шукур Холмирзаев ўз асарлари тилини бойитиш мақсадида ўзбек тилининг тасвирий воситаларидан унумли фойдаланган. Ана шундай бадий тасвирий воситалардан бири перифразалар бўлиб, ундан фойдаланиш орқали ёзувчи ўз асарлари тилининг ранг-баранг ва оҳангдор бўлишига эришган.

Перифраза - рус, украин, белорус ва бошқа қардош халқлар тилшунослигида кенг доирада ўрганилаган.¹ Кейинги даврларда туркологияда ҳам бу тасвирий воситани ўрганишга эътибор берилмоқда.²

Перифраза ҳақида фикр юритиш, уни у ёки бу томонлама таҳлил этиш айна вақтда ёзувчининг перифразадан фойдаланишдаги маҳоратини очиб бериш билан бирга, перифраза ҳақида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш лозим. Хусусан кўпгина айрим манбаларда перифразага куйидагича таъриф берилган. Шулардан айримларини алоҳида санаб ўтишни лозим деб топдик.

Кишиларнинг отларини ёки предметларнинг номини тўғридан-тўғри ифодаламасдан, уларни турли хил сўз ёки иборалар ёрдамида баён қилиш перифраза дейилади.

Кўчим турларидан бири бўлиб, унда нарса ёки инсон номи билан эмас, балки унга хос асосий белгилар, хусусиятлар номи билан юритилади.

Перифраза- грекча *яқин гапираман* сўзидан олинган бўлиб, унда киши ва нарса номлари тўғридан-тўғри гапирилмасдан, улар турли хил сўз ёки иборалар ёрдамида ифодаланади.¹

Юқорида кўрсатилган таърифлардан маълум бўладики, перифраза кишиларнинг номлари ёки нарса ва предметларнинг номлари ўрнида қўлланиладиган тасвирий воситалардир. Одатда перифраза бадиий тилнинг ранг-баранглигини, таъсирчанлигини, оҳангдарлигини ва жозибadorлигини таъминловчи стилистик бўёққа эга бўлган кўчимдир.

Зикр этилганидек, кейинги даврларда перифраза ҳам ўзбек тилшунослигининг олдида турган мураккаб вазифалардан биридир. Шу жиҳатдан ҳам, перифразани ўрганишга қаратилган бир қатор мақола характеридаги тадқиқотлар мавжуд бўлиб, уларда бу воситаларнинг айрим томонлари очиб берилган. Хусусан, филология фанлари доктори Ҳ. Шамсиддиновнинг шу мавзудаги баъзи бир тадқиқотлари ушбу йўналишдаги ишларнинг яратилиши учун асос бўлиши мумкин.

Демак, перифразани ўрганиш, нафақат бошқа тилларда, балки, ўзбек тилшунослигида ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айниқса, унинг бадиий адабиёт тилида қўлланилиши бадиий нутқнинг образли тушунчаларга эга бўлишида кенг имкониятлар яратади. Бундай кўринишни ўзбек бадиий прозасининг қатор намояндалари ижоди орқали ўрганиш мумкин.

Жумладан, Шукур Холмирзаев ўз бадиий асарлари тилини бойитиши, унинг янада баркамол бўлишини таъминлаш ҳамда китобхоннинг диққатини жалб этиш мақсадида перифразадан унумли фойдаланишга эътибор берган. Айни пайтда, перифразадан етарли даражада фойдаланиш, муаллиф асарлари тилининг янада баркамол бўлишини таъминлаган. Маълумки, перифразалар тузилишига кўра содда, кўшма, мураккаб турларга бўлинади. Ёзувчи ижодини таҳлил қилиш жараёнида перифразанинг бу каби кўринишларини кузатиш мумкин. Хусусан адибнинг “Сўнгги бекат”, “Қил кўприк” романларида, “Оғир тош кўчса” ҳикоялар тўпламида перифразадан

махорат билан фойдаланганлиги учун ҳам у асарларнинг бадиий қиммати янада ошганлигини кўрамиз.

О. С. Ахманова перифраза ҳодисасининг икки хил хусусиятини санаб ўтади:

1. Тасвирий ифода.
2. Бирор сўзни ёки бирикмани ифода билан алмаштирувчи кўчим.¹

Бизнингча перифразанинг мавжудлигини ёки унинг моҳиятини очиб бериш учун бу икки хил хусусият тўла тўқис ойдинлик киритмайди. Бунинг учун бадиий асар матнларида перифразанинг қандай қўлланилиши ёки ишлатилишини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада Шукур Холмирзаев ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Ижодкор асарлари тилида перифраза ҳам тасвирий восита, ҳам бирор сўзни алмаштирувчи тасвирий элемент, эмоционал-экспрессивликни оширувчи кўчим тури сифатида қўлланилади.

Қуйида баъзи бир фикрлар орқали бу масалаларга диққатни жалб этамиз.

1. Ёзувчи ўз асарларида маълум бир предмет ёки инсон фаолияти билоан боғлиқ ҳодисани янгича номлаш орқали фикрни аниқ тасвирлашга эришади. Бунда перифрастик маъно номланган сўзнинг маъносига қараганда анча таъсирчан ва ифодавийлиги билан ажралиб туради.

Хусусан, Ш. Холмирзаев бадиий матнида *тун қуши, жаноб олийлари, лашкари исломнинг сардори, Маҳмуд Қошғарий мактабининг директори, илҳоми сўнган, тўрт оёқли бола* сингари кўшилмалар перифрастик маъно ифодалаш мақсадида ишлатилганидан воқиф бўлдик.

Масалан, “Тун қуши охиста учиб ўтди, унинг қизғиш кўзлари кўринди”. (“Бодом қишда гуллади”, 130)

“-Яна тўрт оёқли бола...Бола! Чолжон, ҳақиқатдан ҳам энам бола бўлиб қолибди-ку? Эрта индин хассага ҳам таяниб юралмай қолади”. (“Оғир тош кўчса”, 121)

Келтирилган матнларда *тун қуши, тўрт оёқли* бола перифрастик қўшилмалари бойқуш, кекса аёл, яъни кампир сўзларимаъносида ишлатилган бўлиб, ёзувчининг ўзига хос тарзда перифразадан фойдаланиш маҳоратини англаб олишига имконият яратади. Бу ҳам ўзига хос перифразадан фойдаланиш маҳоратини англаб олишимизга имконият яратади. Бу ҳам ўзига хос перифраза яратиш намунаси бўла олади.

Бадиий адабиёт тилида ҳар бир бадиий тасвирий восита маълум бир воқеа ва ҳодисаларни тасвирлаётганларида унга экспрессив тус ва бадиийлик бериш, фикрга янада аниқлик киритиш учун тасвирий сўзларга мурожаат қиладилар ва ундан тасвирий восита сифатида фойдаланадилар,¹ деган фикрга тўла қўшилган ҳолда шу нарсани алоҳда қайд қилиш мумкинки, ёзувчи ўзи тасвирланаётган воқеа –ҳодисаларга бадиий тус бера олади. Бу эса ўз навбатида бадиий тилнинг таъсирчанлигини оширишига хизмат қилади.

2. Дарҳақиқат, ёзувчи асарларида перифраза маълум воқеа-ҳодисани ифодалашда шаклда ҳам мазмунга асосланади. Масалан: “-Ичишади?- деди ҳазрат. Ва аччиқ кулди.- Ёш Бухороликлар аъло ҳазратдан ободончиликка ҳам эътибор қаратилсин бдеб, бежиз илтимос қилишмаяпти-ку” (“Қил кўприк”, 25) ёки “Бунинг устига, совхознинг қуввати кам, терим машиналарини сотиб ола олмайди!” деб тавалло қилди” (“Сўнгги бекаат”, 27)

Ушбу матнларда келтирилган *аъло ҳазрат, қуввати кам* перифрастик бирикмалар орқали фикрнинг таъсирчан бўлганини кўрамыз. Аслида, бу тасвирий ифодалар подшо, камбағал сўзларининг қайта номланиши бўлиб, бадиий салмоқдорликни оширишга ҳаракат қилади.

Авваламбор, бадиий проза тилида ҳар бир тасвирий восита бадиий тилнинг теран, таъсирчан, жозибадор ва бўёқдор бўлиши учун турли хил тасвирларни вужудга келтиради. Бошқача айтганда, ҳар қандай тил элементлари ҳам баъзи тасвирий тушунчалар сингари тасвирий кўчим тури вазифасини бажаради. Бу хусусият перифразага хос бўлиб, баъзи

манбаларда ҳатто фразеологик иборалар, оддий сўзлашув нутқида хос бирикмалар, халқ мақоллари ҳам перифрастик маънога ўтиши(133,107) кўрсатилган.

Буни Ш.Холмирзаев асарлари тилида ҳам учратамиз.

3. Чунончи, ёзувчи оддий сўзлашув тилига хос ибораларни қўллаш орқали халқ тилига яқинлашиб боради ва унинг керакли томонларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Натижада ёзувчи асарлари тили халқ тили билан ҳамоҳанг маъно касбэтади.

“ Хўш, тамадди қиламизми? - деб сўради меҳмонлардан.

–Ҳа, чой ичсак бўлади,- деди каттаси.

– Кейин Хоразмга. Вақт ўтсин дўстим! ” (“Оғир тош кўчса, 12”)

Матнда келтирилган *тамадди қилмоқ* лексемаси оғзаки нутққа хос бўлиб, овқатланмоқ сўзининг ўрнида ишлатилган. Гарчанд, бу бирикма оддий сўзлашув нутқи учун хос бўлса-да. У бадиий нутқнинг жозибадорлигини таъминлаган.

4. Бундан ташқари, ёзувчи ижодида перифразалар бўрттириш, ҳурмат, иззат маъноларини ҳосил қилиш учун ҳам ишлатилади.

Шунингдек, ёзувчи иборалардан унумли фойдаланиб, перифрастик муносабатни шакллантирган. Масалан: “ Мен Содикбекнинг туғилган кунлари ҳали кўп бўлиши, Хусан ака қўли очик, меҳмондўст эканини айтиб, ўшандаёқ зиёфатларга жон-жон деб боришга сўз бердим” (“Оғир тош кўчса”, 10)

Бу матнда *қўли очик* фразеологик ибораси *сахий* сўзига нисбатан қўлланилган бўлиб, эмоционал-экспрессивликни кучайтириш орқали перефратик маънода фикрнинг образли бўлишини таъминлаган. Баъзан перефраз бадиий нутқда нарса ёки предметларнинг маълум белгисини ифодалаш ҳамда кишининг маълум ўзига тегишли қисмини аниқлаш учун ҳам ишлатимоғи мумкин. Албатта, бу ўринда бирор предметдан

англашилган белгида киши узвийлигига киши тегишли қисми эмас, балки бошқа тушунчанинг маъносини англамоқ лозим.

Шуни айтиш мумкинки, ёзувчининг бадиий маҳоратини оширишда перефразадан ана шундай усулда фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият қабили этади. Қуйида берилган матн орқали перифразанинг шу мақсадда қўлланилганини кўрамиз.

“-Қизик одам , - деди аёлим.

- Яна кимлар бор эди.

- Фақат сен йўқ эдинг... Учта совхоз директори, бешта бригадир. Иккита бўлим бошлиғи. Олтита врач... Маҳалла оқсоқоли, магазин директори” (“Оғир тош кўча”,9) ушбу матнда маҳалла оқсоқоли бирикмаси таркибидаги оқсоқол сўзининг семантик тузилишида инсон узвигига тегишли қимси, яъни соқолнинг оқлиги, қариган киши маъноси мавжуд бўлса-да, матнда бу нарса маҳалла бошлиғи маъносини англамоқ учун қўлланилган. Аниқроғи, перифрастик маъно юзага келган. Айниқса, ушбу сўзда бўрттириш, ҳурмат белгисининг кучлилиги туфайли ҳам фикрнинг изчил ва таъсирчан бўлиши таъминланган. Бадиий прозанинг характерли хусусиятларидан бири яна шундаки, ҳарбир санъаткор сўз қўллашда маълум бир тушунчанинг ўзига хос сифат ва белгиларини тасвирлашда, унинг характерли қирраларини очиқ беришда эса турли қирраларни яратади. Бу тасвирий ифодалар ёзувчи ижоди учун ҳам хос бўлиб, Ш.Холмирзаевнинг ҳар бир асарига перифразага ўзига хос тарзда қўлланган ва китобхон диққатини ўзига жалб этади. Масалан : “ Кейин амар номига битта мактуб битилган эди. Жаноб олийлари мактубни ўқиб, ёшларни ўз ҳузурларига чақирдилар. ” (“Қил кўприк”, 8)

Келтирилган матнда ёзувчи амир сўзини қайта қўлламаслик учун ҳам *жаноб олийлари* бирикмасидан фойдаланганлар. Бу эса ўз навбатида сўзнинг такрор-қайтариқни юзага келтирмасликнинг ўзига хос усулидир. Чунки бир сўзнинг айнан ўзини такрорлаш ҳам нутқнинг аниқлигига, унинг ровонлигига путур етказди. Кўринадикки, аниқлик, равонлик нутқнинг беазаги

бўлиб, у бевосита кишининг сўз маъносини яхши тушуниши, аниқв тасаввур қилиши билан боғлиқ.¹

Демак, юқорида келтирилган матн ҳам бундан мустасно эмас. Ҳ.Шамсиддиновнинг таъкидлашича, перифразанинг юзага келишида хотира тасаввури билан хаёл тасаввурининг иштироки бўлади.² Чунки перифраза онгнинг зарур элементларни вужудга келтиради. Бунда тасаввурнинг ўрна алоҳида кўринади. Онгнинг зарур элементи бўлган “тушунчаларнинг маъно ва айни пайтда онгда предметларнинг ҳиссий образлари билан экин равишда иш кўриш имконини беради.”³

Дарҳақиқат, тилда мавжуд бўлган барча луғавий бирликлар ва тасвирий воситалар бир-бирига ўхшаш ва бир-биридан фарқли томонларга эгадир. Шу жиҳатдан ҳам бўлса керак, перифразани ўрганиш жараёнида унинг арим ёндош ходисаларга яқинлиги ва улардан фарқ қилиш фарқ қилиш томонларини алоҳида кўриб ўтишни лозим топдик.

Ана шундай ўхшаш ва фарқ қилувчи томонлар Шукур Холмирзаев асарлари тили учун ҳам хос бўлиб ёзувчи бу борада жозибадор ва оҳонгдор перифрастик сўз ва иборалар яратади. Аввало перифразани эвфемизмга, синонимларга метонимия ва метафораларга ўхшаш томонлари бор. Табу ва эвфемизмлар перифразадан кескин равишда фарқ қилади, масалан, ўрмоннинг эгаси(айиқ), ўчмас шаҳар(Рим) ва бошқалар.

Шукур Холмирзаев ижодида перифразалар ва эвфемизмларнинг қўлланишида маълум аспектда ўрганш учун ҳам фикрни қуйидаги матнларга жалб этиш лозим:” Эшик оғзи , кўчанинг бир бўлаги одамга тўла эди. Қувватбековнинг аёли саҳарда узилган” (“Сўнгги бекат”, 244)

“Мақсад актёрлар юрагига чўғ солиш, уларнинг туйғуларини уйғоиб бориш, пировардида, бутун коллективни асар атрофига уюштириш, битта мақсад сари йўналтириш бўлади ” (“Оғир тош кўчса”. 34). Матнларда келтирилган узилган, чўғ солиш бирикмалари эвфемизмлар ва перифраза маъноларни ифодалаш учун ҳам ишлатилган. Аввало. Эвфемизмлар образли воситаларни уюштириш учун хизмат қила олмайди, перифразада эса

образлилик кучли. Ундан ташқари, эвфимизм нутқий восита саналса, перифраза эса бадий услубий тушунчадир. Шу жиҳатдан ҳам, берилган матнларда перифраза ва эвфемизмни ана шу хусусиятлар яққол ажралиб туради, яъни узилган сўзига нисбатан қўлланилган бўлиб, унда майин маъно акс этган, чўғ солиш бирикмаси эса киши қалбига мухаббат уйғотишга нисбатан олинган. Ёзувчи асарларида перифраза ва метонимиядан фойдаланиш ҳам фарқланади. Перифраза қайта номланиш жиҳатидан метонимияга ўхшаб кетади, айти пайтда ундан кескин фарқ қилади. Чунки бу тушунчаларда номланишнинг моҳияти турличадир. Чунончи, метонимиядаги номлаш бир предметдан иккинчисига тўғридан-тўғри ўтса, перифразада қайта ном (тасвирий ном) ҳосил қилинади. Масалан: -“Қани дастурхонга марҳамат!

-Ана умивальник- Ўктам ўйланиб, қўшимча қилди,-агар йўлда чанг бўлдиқ десангиз, тепада душ бор” (“Сўнгги бекат”,13)

“- Бўлаверади,-деди ва аёлига қараб қўйди.- Бунақа одамлар билан билан ичсанг мазза қиласан! ” Мунира табассум қилди. Ушбу матрлар орқали перифраза ва метонимия орасидаги фарқли томонларни кўриб ўтиш мумкин. Биринчи матнда *дастурхонга марҳамат* бирикмаси метонимик ҳодиса бўлиб, дастурхон эмас, балки дастурхондаги ноз-неъматлар назарда тутилган, яъни маъно бир предметдан иккинчисига кўчирилган.

Иккинчи матнда қўлланилган *табассум қилмоқ* бирикмаси орқали эса кулмоқ сўзининг маъноси келиб чиққан. Демак, бу кўриниш перифраза ва метонимиянинг ўзга тушунчалар эканлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, метафорада кўчган маъно предметнинг доимий номига айланиши мумкин.

Масалан: Тулки-хайвон, тулки одам (тулкининг айёрлиги одамга кўчирилган), илон- захарли судралиб юрувчи маъносида, илоннинг захар сочиши одамга нисбатан кўчирилган, илон одам ва бошқалар. Перифразада эса предметларнинг тасвирий воситаси юзага келади. Ёзувчи асарларит тилига хос бўлган айрим матнлар орқали ҳам ушбу ҳолатни кўздан кечирайлик: “Қурбон ўзини Олимжон ака олдида қандайдир оқлаш. Ҳазратдан янада узоқлашиш

учун:- У киши бизга энг катта душман- деди ва ушбу ҳикояни айтиб берди.”
 (“Қил кўприк”, 16)

“Навмасбири, отаси унга ёмонликни раво кўрмайди. Ахир меҳрибон волидасидан ажратиб олиб кетарэкан, демак, у ер, бу ердан яхшироқ бўлиши керак ўша жой!..” (“Қил кўприк”, 18)

Келтирилган матнларда *оқлаш* ва *волидаси* сўзлари берилган бўлиб, биринчиси метафорик кўчим орқали ҳосил бўлган, яъни бу сўз маъносида *оқламоқ* сўзининг янги маънога ўтиши (бирор нарсани оқлаши ёки уйни оқлаши эмас) балки, ўзини яхши кўрсатмоқ маъноси англашилган. *Волида* перифрастик сўзи кишининг онаси маъносини ифодалаш учун қўлланилган. Шу каби кўринишлар перифраза ва метафора ўртасидаги яқинлик ва фарқли томонларини ажратиб кўрсатади. Шукур Холмирзаев асарларининг бойиб боришида синоним сўзлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди, айти пайтда синонимлар перифразадан фарвланади. Маълумки перифраза функционал – семантик синонимларни ҳосил қилади. Масалан: осмон, кўк, гардун ва бошқалар, булар тилга хос синонимлардир, яъни синонимлар нутқнинг аниқ ва таъсирчан бўлишини таъминлайдиган лексемалардир. Перифразалар эса тасвирий бўёққа эга бўлган тушунчалардир. Масалан, самолёт- нур учқун, пўлат лочин осмони вофур.¹

Кўринадикки, юқорида келтирилган барча мисолларда синонимларга хос хусусиятлар мавжуд бўлиб, уларни ўзаро алмаштириш мумкин. Худди перифраза каби бири иккинчисининг ўрнига қайта қўлланилади.

Лекин синоним ва перифраза бир хил тушунча эмас, балки бошқа- бошқа хусусиятлардир. Кўринадикки, юқорида келтирилган фикрлар перифраза ва унга ёндош бўлган ходисаларни бир-бирдан ажратиб ўрганмоқ лозим эканлигини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда бадиий асар тили, шу жумладан Шукур Холмирзаев асарлари тилида учрайдиган перифразаларни шу тарзда ўрганиш маълум аҳамиятни касб этади. Тилдаги кўпгина сўзларни ўз

маъносиджан ташқари, маънога ҳам эга бўлиши мумкин. Баъзан бундай сўзлар ўз маъносига тесқари бўлган маъноларни ҳам ифодалаш учун қўлланилади. Бундай сўзларнинг юзага келишида предметнинг белгиси ёки ташқи кўриниши бошқа бир предметга кўчирилади ва шу йўснда бошқа маъно шаклланади.

Одатда бундай сўзлар бошқа маънога эга бўлиб, бадий тилнинг тараққиётига сезиларли даражада таъсир этади, ана шундай ҳодисадлардан бири сифатида ўхшатишни кўриш мумкин.

2.2 Ўхшатиш асар тилининг беаги сифатида. Бинобарин ўхшатиш қадимий тасвирий воситалардан бири бўлиб, жуда содда ва кўп қўлланиладиган бадий-тасвирий воситадир. Ўзбек тилшунослигида ўхшатишни ўрганиш билан боғлиқ асарлар ва мақолалар характеридаги ишлар мавжуд. Айниқса, М. Муқаррамов(72), Р.Қўнғуров(132) ўхшатиш хусусида етарли даражада тадқиқотлар олиб борган.

Ўхшатиш нафақат тилшунослик фанининг, балки адабиётшуносликнинг ҳам асосий объекти бўлиб, адабиётшуносликка оид баъзи ишларда ўхшатишнинг у ёки бу томонлари ўрганилган.³(100, 119) Дарвоқе, ўхшатиш бадий асар тилини бойитувчи восита бўлиб, уни тадқиқ этиш жараёнида ифодаланиш усули, тузилиши, асарда қўлланиш ўрни, унинг таркибий қисмлари ҳамда қўлланиш чегараси ҳақида фикр юритмоқ лозим. Одатда ўхшатиш ҳодисаларининг орасидаги ўхшашликка, ўхшовчи томонларни ҳис қилишга асосланади. Шунинг учун ҳам, улар ўртасидаги боғлиқлик биридан иккинчисига ўтган ҳолатдагина, тўлароқ, аниқроқ бўрттирилиб ифодалаш орқали аниқланади. Хусусан бадий тилда, жумладан прозада ундан ўринли фойдаланиш ҳар бир санъаткор тилининг жозибадорлигини, таъсирчанлигини ўқувчи томонидан эмоционал- экспрессив қабул қилинишини, айниқса осон тушинилини таъминлайди. Чунончи, Шукур Холмирзаев асарлари тилига мурожаат этилганда ижодкорнинг бу тасвирий воситадан унумли ва ўзига хос фойдалана олганлигини кўрамиз. Бу эса ёзувчи тилининг нақадар

³ Султон.И Адабиёт назарияси.-Тошкент:Ўқитувчи,1980.-Б.226

жозибали эканлигидан далолат беради. Аввало ўхшатиш тасвирий восита бўлиб, унда маълум бир предметнинг бошқа предметга маълум жиҳатига кўра ўхшаш хусусияти кўзда тутилади. Бу ҳолат ўхшатиш воситалари туфайли юзага келади. Ана шундай ўхшатиш воситалари ёзувчи ижоди учун ҳам хос бўлиб, бу эса ўхшатишнинг турли хил кўринишлари орқали бойиб боради.

Масалан: “Бир вақтлар тўқайда ёввойи тўнғизлар ҳам кўп бўлган, лекин қирилиб кетган. Ҳозир унда чиябўрилар бор, тунлари йиғлоқи боладек овоз чиқаришади”(“Сўнгги бекат”,19)

Келтирилган мисолда ўхшатиш приёми нутқий жараён орқали шаклланган бўлиб унда чиябўриларнинг инграшига хос ҳолат бўлиб кечалари тинимсиз йиғлаб чиқадиган болаларнинг овозига ўхшатиш. Ушбу матнда юқорида айтилган фикрлар билан бирга ички ҳолат билан боғлиқ ҳодисалар ҳам жонли чизилган. Ёзувчи чиябўрилар овозларини нимага ўхшатишни кўп ўйлаган. Бу овоз кўп одамлар, адиблар томонидан бошқа турли нарсаларга ўхшатиш бўлиши мумкин. Бироқ Шукур Холмирзаев бу овознинг чексиз, давомли равишда, бир маромда, ингичка ҳолатда эшитилишини аниқ ҳис қилиб уни чақалоқнинг, йиғлоқи боланинг овозига ҳхшатади, ўзига хос ўхшатиш топади. Уни бирор бошқа жониворнинг овозига ўхшатмайди.

Таъкидлаш жоизки, ўхшатиш нарсалар ўртасидаги умумийликка эга бўлган тушунчадир, чунки ҳар бир нарса ўхшатилаётганда маълум бир воқеа-ҳодиса ёки бирор тушунчани қиёсланган ҳолда ўрганишни талаб этади. Ўша умумий жиҳатдан ўхшатма қилиш ёрдамида юзага келади. Шунинг учун ҳам ўхшатиш уч унсур иштирокида шу умумийлик натижасида юзага келади: булар ўхшатиш шахс ёки унсур, ўхшатиш асоси, ўхшатиш воситаси ⁴ деган фикрга асосланиб ёзувчи ижодида ўхшатишнинг шу мақсадда қўлланиш томонларини таҳлил қиламиз.

“Унинг ҳамиша ерга қарайдиган нурсиз кўзлардан шу тобда ўт чакнар, вужудидан куч томарди гўё.” (“Сўнгги бекат”, 116)

1.Лапасов Ж Бадиий матн ва лисоний таҳлил.-Тошкент: Ўқитувчи, 1995.-276

“Содикнинг кўзлари уккининг кўзларидек ялтираб кетди”. (“Сўнги бекат”, 215)

Келтирилган мисолларда учала унсур белгилари ҳам мавжуд. Биринчи матнда ўхшатиш тушунча “ўт чақнар” ўхшатиш асоси “ нурсиз кўзлари” ўхшатиш воситаси эса “гўё”.

Иккинчи матнни ҳам шу тарзда кўздан кечириш мумкин. Ўхшатиш тушунча “укки”, ўхшатиш асоси “кўзлари”, ўхшатиш воситаси эса “-дек” орқали ифодаланган.

Демак, ўхшатиш умумийликка асосланиб юқоридаги келтирилган шу уч унсур асосида юзага келади. Шу йўсинда ўхшатишнинг асосий функцияни бажаришини белгилаб олиш мумкин. Шукур Холмирзаев ҳар бир асарининг тилини пухта, пишиқ, гўзал бўлишини таъминлаш учун ҳам ўхшатишнинг ана шундай воситаларидан унумли фойдаланади. Шу сабабли адиб асарларининг тили ҳам ўзига хос маъно касб этиши билан яққол кўзга ташланади. Бизга маълумки ўхшатиш воситалари лексик ва грамматик шаклга эга бўлади. Бундай ўхшатишлар Ш. Холмирзаев ижоди учун ҳам хосдир. Ёзувчи ижодида лексик воситалар қуйидаги сўзлар ёрдамида ҳосил бўлган. Қуйида шулардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

1. “Ўхшар” сўзи ёдамида ҳосил бўлган ўхшатишлар: “ -Одамзод ҳаёти охирида.. сўниш олдидаги шамга ўхшар эмиш”. “Лекин бу вазият вақтинчалик эсан кўклам шамолига ўхшар эди”(“Оғир тош кўчса”, 127)

2. Келтирилган гапларда берилган ўхшар сўзи ўхшатиш учун асос бўлиб, (ўхшатувчи восита) одамзод ҳаётининг сўнши шамнинг шамнинг сўнишига ва инсонлар ўртасидаги муҳаббат алангаининг нақадар улуғвор эканлиги кўкламда эсан шамолга ўхшатишган.

Шуниси характерлики, ҳар иккала матнни ҳам образли тушунчалар юзага келтирган, айниқса иккинчи матнда образли тушунчалар тапъсирчан ва экспрессив тус олган. Бундан ташқари, ушбу мисолда қаҳрамонлар хатти-ҳаракатида юзага келган кучли ҳис-туйғулар мавжуд бўлиб, ўхшатиш воситаси орқали безатилган.

Худди сўзи ҳам ёзувчи ижодида сермахсул бўлиб, ўхшатиш воситаларини уюштиришга хизмат қилган. Одатда бу сўз ўхшатиш асоси бўлган сўздан олдин келади. Қуйида келтирилган мисоллар орқали ушбу сўзнинг қўлланилишига доир айрим хусусиятларни кўриб ўтамиз: “ Қалбида қувонч гупириб, худди ўғлини кўрганидаги каби энтикди. Бунинг устига, бу ажиб манзара унинг миясида хаёллар уйғотди”(“Оғир тош кўчса, 100”)

“Қумрихон опа ўрnidан каловланиб туриб кетди, худди подшоҳ ҳузурига кириб келган канизақдай қўлларини ўрнига қўйди” (“Оғир тош кўчса”, 31)

“Не бир туйғу билан сафдан ажралгиси келди-ю, худди сафга кўринмас занжир билан боғлангандек, учишда давом этди” (“Оғир тош кўчса”, 83)

Ушбу сўзларда *худди* сўзи ўхшатишни бўрттириш учун қўлланган. Бу мисолларда гўё ўхшатиш икки восита билан ифодаланган. Яъни берилган ҳамма гапларда худди сўзи ҳам ишлатилган ҳамда бошқа воситалар каби, –дек,(–дай) иштирок этган. Бироқ шуни айтиш керакки, ушбу гапларда ўхшатиш воситаси каби, –дек, –дай бирликлари бўлиб. Худди шу чегаралаш ва кучайтириш – таъкид маъноларини ифодалаб келган. Буни шу гаплардаги *худди* сўзини ташлаб кетиш орқали ҳам яққол кўриш мумкин. Деак ёзувчи ўхшатишни янада бўрттириш учун яна иккита воситани кетма-кет қўллайди. Аммо улардан биттаси (каби ёки –дай) ўхшатиш учун хизмат қилса, иккинчиси *худди* уни таъкидлаш учун хизмат қилган. Яъни факультатив бирликка айланган. Худди воситасининг алоҳида ҳолда ўхшатишни шакллантириши насрда деярли учрамайди. Бу нарса Шукур Холмирзаев асарларида ҳам кузатилади. Аммо уни ўхшатишни таъкидлаш вазифасида қўлланилиши насрда жумладан, Ш.Холмирзаев ижодида ҳам кўп учрайди.

Демак, Шукур Холмирзаев бу матнларда ўхшатишлардан фойдаланишларда ва ўхшатиш яратишда ўзига хос маҳорат соҳиби сифатида кўзга ташланади. Гап шундаки, юқоридаги нутқий матнларда

онанинг характер хусусиятларни ўхшатиш орқали ёрқин чиза олган. Дастлабки мисолда она қалбидаги кечинмалар и, ҳиссиётлари ниҳоятда кучли бўлишини ҳаммамиз ҳам биламиз, боласини кўрганга ўхшатилиши она меҳрини ана шу жиҳатларини аксэтириш баробарида қаҳрамонларнинг бир-бирига меҳрларини айниқса. Онанинг ушбу қаҳрамонга ўз фарзанди каби самимий қарашини тўлақонли акс эттирган.

Ўхшатишнинг ҳолатини, тасвирини муболағали кўрсатиш ҳам Шукур Холмирзаев асарлари тилининг ўзига хос жиҳатларидан бридир. Масалан: ”Тағин уч кун ётиб, кўзлари дўлаёиб, олти ойлик касалдек кўзлари дўлайиб қолди” (“Оғир тош кўчса”), “Шунинг егани ҳалол, халқ хўжалиги виставкасининг тилла медали ҳам унга она сутидек ҳалол! (“Сўнгги бекат”, 97), “Жуда ҳам катта, бақувват ит эди. Қулоқ, думи кесилган, мамақалдинок гулдирагандай йўғон товуш билан хуради” (“Оғир тош кўчса”, 153), “Кўзлари одамни зўрға кўрадиган қисик. Лекин кўнгиллари дарёдай кенг” (“Оғир тош кўчса”, 178)

Келтирилган матнларда ўхшатиш воситалари талайгина. Жумладан, ҳар бир ўхшатиш характерлидир, ўхшатишларнинг кетма-кет қўлланилиши нафақат бадий тилнинг гўзал ва жозибадор бўлишига, балки унинг образли тушунчаларга бой бўлишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчи ижоди кенг маънода таҳлил этилар экан, унда адиб ҳар бир қаҳрамонининг дунёқарашидаги ўзгаришларга бадий тус беришини кўрамиз. Ана шундай бадий тус беришда ўхшатиш воситасининг ҳам авлоҳида ўрни бор, чунки ўхшатиш воситалари ёзувчининг ҳар бир қаҳрамонинг дунёқарашидарўй берган кескин ўзгаришларни ўхшатиш орқали тасвирлайди.

Масалан: ” Гоҳо хаёл қизни Тургенев қаҳрамонлаи яшаган қадимий гўшаларга етаклар, ҳайхотдек бедапоя ортида аслзоданинг опшқ устунлари йўғон, оққушдек уйи кўринар, лекин шу захотиёқ у “Йўқ улар эксплуаторлар, ёмон дер, хаёлан бугунги кунига адир устига қайтар, тағин ўзининг замондош ёш ёзувчилари ёзган асар воқеаларига шўнғир, азарида, у

китобларнинг қаҳрамонлари унинг тутган йўлини маъқуллаётгандек бўларди.” (“Сўнги бекаат”,103)

Ушбу матн қаҳрамонларининг динамик характери билан ифодаланган бўлиб, унда қаҳрамоннинг дастлабки хаёллар оғушида бўлиши ва унинг оққуш сингари уйи кўз ўнгида гавдааланиши, аммо қаҳрамоннинг ўтмиш дунёсига сингиб кетмаслиги, яъни ўз йўлини тўғри танлаб олган ёш китобхонлар даврасига шўнғиб бориши кабилар ўхшатиш усуллари орқали тасвир этилган.

2.3 Эпитетларнинг асарларда қўлланилиши. Шукур Холмирзаев ҳикояларида кўплаб бадиий эпитетлар ишлатилган, улар ҳам бадиий тилнинг теран, жозибадор, оҳангдор бўлишини таъминлашга хизмат қилган.⁵

Эпитет-грекча сўздан олинган бўлиб, поэтик изоҳловчи демакдир. Эпитет тилнинг образ яратиш билан боғлиқ тасвир яратиш воситасидир. Кўринадики эпитет бадиий адабиёт тилининг образли тасвирлаш воситаларидан бири бўлиб, у бадиий нутқнинг ранг-баранг бўлишини таъминлайди. Ўзбек тилшунослигида эпитет билан боғлиқ турли фикрлар юритилган тадқиқот характеридаги ишларни кўриш мумкин.⁶

Эпитет хусусида фикр юритилган ушбу ишларда тадқиқотчилар унинг қўлланилишига доир ифодаланиш ва тасвирий вазифани бажаришига доир томонларни очиб берганлар. Айтиш мумкинки ўзбек тилшунослигида эпитет билан боғлиқ бўлган ишларнинг аксарияти унинг лирик асарларда қўлланилишига доир бўлиб, биз ўз ишимизда эпитетнинг насрий асарларда қўлланилиши ва ўзига хос томонларини кўриб ўтишни жоиз деб билдик.

Дарҳақиқат эпитет насрий асарларда ҳам ишлатилади, ундан ёзувчилар индивидуал хусусиятларни ёки характерларни очиб бериш мақсадида фойдаланади. Хусусан ёзувчилар кишиларнинг ёрқин имсолини беришда, табиатнинг ҳуснига , гўзал манзарасига эътиборни қаратган ҳолда, кишининг руҳий кайфиятларини очувчи сифатлаш воситалари билан боғлиқ тасвирлар

⁵ Р.Нормуродов. Шукур Холмирзаевнинг бадиий малоҳати,2003,56б

⁶ Тўрабекова С. Язык и стил поэмы Гафура Гуляма. Автореф. Дис. Канд. Филол наук- Ташкент,1963.-23с

яратади. Шукур Холмирзаев ўз асарларида ана шундай масалаларни ҳал этишда эпитетдан кўплаб фойдаланади, шунинг учун адиб асарлари ўзига хос тасвирий маънони ифода этганлиги билан ажралиб туради.

Жумладан ёзувчи “Оғир тош кўчса” ҳикоялар тўпламида Иноднинг ёлғизлигини, ғам чекаётганини тасвирлар экан, унинг ночор аҳволда қолганлигини ҳамда қорабайр отини миниб тоққа бориши, у ерларни кузатиб юришини тасвирлашда сифатлаш воситаларини ишлатади: “Чўлпонлар овулида санғиб, марҳум отасининг жанг қилган ерларини кўради, зумрад қорли чўққилар остидан ўтиб, яшил ўтлоқларда тунайди ва ўзи сезмаган ҳолда кўнгли кўтарилиб, дарди пасайиб, қишлоққа қайтади” (“Оғир тош кўчса”, 67). Келтирилган матнда табиатнинг гўзал манзарасини чизишда *зумрад* эпитети тасвирнинг ёрқин бўлишига ҳам хизмат қилган.

Одатда эпитет (сифатлаш) поэтик аниқловчи ҳисобланиб, фикрга аниқлик, тасвир этилаётган воқеа-ҳодиса, нарса-буюмга хос жиҳатларни тасвирлаб беради. Шунингдек, инсон хатти-ҳаракатидаги ҳолатни тасвир этишда бадиий эстетиклик ҳада қилади.

Ўзбек тилшунослигида эпитетни ўрганиш борасида талайгина ишлар қилинган бўлиб, унда унинг поэтик аниқловчи сифатида тутган ўрни борасида фикр-мулоҳазалар юритилади. Зеро, эпитетнинг бадиий нутқда ишлатилиши ҳар қандай асар тилининг ранг-баранглигини таъминлайди. Унинг таъсирчан, жозибадор ва оҳангдорлигини белгилайди. Шукур Холмирзаев ижодини ўрганар эканмиз, унинг эпитет воситаларидан унумли ва ўринли фойдаланганидан воқиф бўламиз. Таъкидлаш жоизки, эпитетлар образларга жилва беради, образлиликка хос хусусиятни бўрттиришда эса бадиий таъсирчанликни оширади. Эпитетга хос бўлган бундай жиҳатлар Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилида ҳам учрайдиган жиҳатлардан биридир. Маълумки, бадиий нутқда эпитетлар ва уларнинг қўлланиш имкониятлари турлича. Хусусан, назм ва насрда бу ҳодиса фарқланади. Назмда шеърий ритмнинг таъсирчанлигини ошириш учун ишлатилса, насрда табиат ҳодисалари, нарса-буюм, предметларга хос характерни, шунингдек,

инсонларга алоқадор ҳолатларнинг бадииятини ошириш учун ҳам ишлатилади.

Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўладики, ёзувчи айнан эпитет воситаларидан бадиий таъсирчанликни, ифодавийликни ҳамда образлиликни тасвирлаш мақсадида фойдаланади ва ўқувчи диққатини тасвир этилаётган воқеа-ҳодисага жалб этади. Масалан:” Шунда унинг хавода сал намлик сезилдими-институтга қават-қават кийиниб, бошига *сарик итнинг терисидан тикилгандай* пахмок телпагини бостириб, бўйнига шарфни айлантириб ўраб боришини эслади”.(“Наврўз, Наврўз”,110)

Кўринадики, эпитетлар бадиий тасвирий воситалар сифатида образлиликни юзага келишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шукур Холмирзаев асарларида воқеа-ҳодисага бадиий тус бериш жараёнини тасвирлаш воситаларисиз, жумладан эпитетларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Юқорида келтирилган матндаги каби, куйида берилаётган мисолдаги ҳам эпитетнинг ёзувчи ижодидагўзал ифодалар хосил қилганини кўрамыз:” Лекин бу кулча юзли, ёноқлари хиёл чиқик, кўзлари хиёл қисик, оппоққина, чехрасида ҳаётбахш бир нур ёғилиб турган қиз Хуббижамол эди ”.(“Бодом қишда гуллади”, 310) Бу матнда ҳам ёзувчи юқоридагидек гўзал тасвирлар ярата олган. (“Бодом қишда гуллади”, 310) Бу матнда ҳам ёзувчи юқоридагидек гўзал тасвирлар ярата олган. Айниқса Хуббижамолнинг ҳуснидаги гўзалликни, юзидаги табассумни тасвир этишда кулча юзлик, ёноқлари хиёл чизик эпитетларидан фойдаланган ва ёрқин тимсол ярата билган.

Б. Йўлдошев Саид Аҳмад асарларида қўлланилган эпитетлар ва уларнинг характерли томонларни , қаҳрамонлар дунёқарашига хос кўринишларни таҳлил этар экан: “ Қаҳрамонлар қиёфаси тасвирини яратишда сифатлаш

муҳим аҳамият касб этади. Саид Аҳмад асарларида сифатлаш йўли билан салбий образларнинг ажойиб қиёфалари яратилган”-дейди.⁷

2.4. Асарларда метафораларнинг ўрни. Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилида метафоралар ҳам ишлатилган. Одатда метафора кўчимнинг бир тури сифатида ташқи ўхшашлик, аниқроғи, нарса-буюм, предметларга хос, шунингдек, инсонлар хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳолатни бирдан иккинчисига қиёслаш, ўхшатиш асосида ҳосил қилинади. Бадиий нутқда метафорадан фойдаланиш ўзига хослик касб этиб, асар тилини таъсирчан, жозибадор бўлишини таъминлайди. Шукур Холмирзаев бадиий насри тилида образ яратиш учун қўлланадишган муҳим воситалардан метафорадир.

“Тилнинг ҳақиқий гўзаллиги,-деб ёзади М.Горький,- аниқлик, равонлик, сўзларнинг оҳангдорлиги билан билан вужудга келади: булар картиналар, характер, китобнинг ғоясини шакллантиради”⁸

Худди шу фикр метафорага ҳам хос бўлиб, тилнинг гўзал ҳамда аниқ бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Метафора бадиий тилда нутқнинг образли бўлиши, унга ўта экспрессив тус бериши, нарса ва предметларнинг умумий ўхшашлигига асосланувчи кўчим ҳисобланиб, бир предметнинг ёки нарса ҳодисанинг иккинчисига қиёслаш асосида маънога кўчириш демакдир.

Ўзбек тилшунослигида метафорага бағишланган алоҳида асарлар ҳам мавжуд. Бироқ бадиий матннинг лисоний таҳлили алоҳида масала сифатида ўрганилмаган. Аслида метафора нутққа образлилик, эмоция бериш мақсадида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўзлар ва ибораларнинг кўчма маънода ишлатилиши и демакдир. Бинобарин метафорик муносабат маълум шароитда, маълум воқеа-ҳодисанинг тасвир этилишини, икки предмет ёки ҳодиса ўртасидаги умумийликка асосланган ҳолда ўрганилади. Улар ўртасида умумий кўринишлар, хислатлар бирдан иккинчисига кўчирилади. Ана шундай метафорик метафорик ҳодисалар

⁷ Йўлдошев Б. Стилистический анализ художественной прозы-79-81б

⁸ Горький А. М. Адабиёт ҳақида.-Тошкент.:Ўқитувчи,1962.-Б.239

ёзувчи ижодига ҳам хос бўлиб, унда нарса ва предметдаги тушунча тўғридан тўғри бирдан иккинчисига кўчирилганини кўрамиз. Бунда асосан образлиутушунчалар юзага келади. Масалан : ”Қовурдоқни еб бўлиб чой ичишди. Кейин ташқарига гулхан ёқиб ўтиришди. Анави қора кўлмакда ер мойи бор экан. Бир арча шохини ботириб олиб, ўтга кўйилса, талай вақт ёниб туради”(“Бодом қишда гуллади”,109) Ушбу матнда *ермойи* сўзи метафорик кўчим ҳосил қилиш учун ишлатилган бўлиб, бу сўзларда маъно англатиш тушунчаси ўзгачадир. Чунончи ермойи ер фойдали қазилма бойлиги ҳисобланган нефт тушунчасини ифодалаш учун ҳам ишлатилган.

Одатда турли хилдаги жониворлар, ҳайвонлар номи билан боғлиқ метафоралар ҳам шаклланиши мумкин. Бундай ҳолларда жонивор, ҳайвондаги белги, хусусиятлар инсон характерига кўчиб ўтади, баъзан уларнинг салбий томонлари ҳам шу аснода инсонлардаги салбиймуносабатларни ифодалайди. Ана шундай метафорик қўлланишларни Шукур Холмирзаев ижодида ҳам кўриш мумкин . масалан:”Эй, каламуш! Чиқмайсанми, берман?!-деди Азим сўпи дўконга бош суқиб, Усмон косиб эшиқдан мўралади.” (“Қил кўприк”,27) Метафоралар салбий маъно ифодалаш билан бирга, ижобий маъноларни ҳам ифодалайди. Баъзида нарсава предметларнинг ёки ҳайвонларнинг номи билан боғлиқ ҳодисалар метафорик сўзлар орқали инсонга кўчиб ўтиши мумкин. Бу каби метафоралар ҳам Шукур Холмирзаев ижодида ўз ифодасини топган.

“-Сени бировга ўхшатаяпман, чирогим?-деди аста. Қурбон дангал гапга ўтганини англамай қолди” (“Қил кўприк”, 103)

Келтирилган матнда **чирогим** сўзи метафорик муносабатни юзага келтирган. Чунки аслида кишини, яъни бирор кимсани ўзига яқин муносабати шу сўз орқали ўз ифодасини топган.

Маълумки, метафорада ўхшашлик асосида кўчим ҳосил қилинади. Унда предметлар ёки ҳодисалар орасидаги ташқи ўхшашлик асосида маънолар(одамнинг тумшуғи, тоғнинг тумшуғи) билан предмет ва унинг ҳаракати номларнинг инсонга нисбатан, унинг табиати, характери,

белгиларни характерига нисбатан ишлатилиши (эшак, хўкиз, булбул, кўзичок) каби сўзларнинг метафорик қўлланилишида катта фарқ бор.

Бизнингча ҳар иккала фикрда ҳам метафорик муносабатлар тўғри ифодаланган. Аниқроғи, тилдаги кўпгина луғавий бирликлар кўчим ҳосил қилади, уларнинг аксарияти ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам, юқорида келтирилган фикрларга эътиборни қаратмоқчи бўлсак, биринчи фикр метафоранинг полесемантик маънони ифода этганлигини тақозо этса, иккинчи фикр эса айнан метафорик муносабатга қаратилган. Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёзувчи ижодида қўлланилган метафораларнинг полесемантик маънони ифода этганлигини тақозо этса, иккинчи фикр эса айнан метафорик муносабатга қаратилган. Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда ёзувчи ижодида қўлланилган метафораларнинг ана шу томонларини таҳлил этамиз: ” Оқибат, Рамазонбой, қизим олиб кетилган томонни кўрмсагинлар деди. Яна норхўроз йўлбошловчи бўлиб, Осмонўпарнинг тумшуғидан ўтказиб қўйган эди” (“Қил кўприк”, 352).

“Пиёда қайтамыз, чарчасангиз мана бу эшакнинг устига миносиз...А? Эсон! Ёмон экансан-ку! Хайрият-э” (“Оғир тош кўчса”, 28)

Келтирилган мисолларда *тумшуқ ва эшак* сўзлари метафорик ҳолатни вужудга келтирган бўлиб, улар ўртасида бир-биридан фарқ қиладиган томонлар мавжуд. Биринчи ҳолатда сўзнинг метафорик қўлланилиши борлиқ ҳодисанинг маълум бир кўринишини ташқи ўхшатишлар асосида, яъни инсоннинг тумшуғи асосида тоғнинг тумшуғи ифодаланган. Иккинчи ўринда метафорик қўлланган сўз нутқ жараёнида сўзловсининг нутқ объектига бўлган муносабатини ёрқин тарзда ифодалаш учун, яъни эшакдан одамга кўчим орқали ўтилган ҳолатни ифодалаган. Айни чоҳда иккинчи матнда эмоционал –экспрессив муносабат кчили ифодаланган. Бадиий нутқда ўсимлик, уй-рўзғор буюмлари, турли предмет номлари, озуқа номларини англатувчи лексемалар ҳам метафорик маънода эмоционал- экспрессив бўёқ касб этади. Масалан “ Бўритош опанинг бўйи баланд, хипчадан келган ,

бодомқовоқ” (“Оғир тош кўчса”, 60) “Икромжон шундай “баъзан” пайтларда ширин ўтган дамлари, Турсуной билан кабутарлар билан ғудуллашиб гаплашганлари, пиқир-пиқир кулишлари ва ширин-ширин хаёл суриб ётганларини эслаш билан кўнглига таскин беради.” (“Оғир тош кўчса”, 124)

Келтирилган мисолларда *бодомқовоқ*, *ширин сўзлари* метафоралар бўлиб, булар матнда маълум предмет ва озуканинг номини англатиш учун қўлланилган. Чунончи *бодомқовоқ* сўзи семасида инсон қовоғи бодом қовоғига нисбатан олинган бўлса, *ширин* сўзи орқали ҳаётнинг яхши онлари ифодаланган. Одатда табиий офатлар маъносини ифодалайдиган шамол, бўрон, тўфон сўзлари ҳам кўчма мнода қўлланиши мумкин. Бу каби сўзларнинг кўчма маънони ифода этиши Шукур Холмирзаев ижоди учун ҳам муҳим бўлиб, ёзувчи асарлари тилининг таъсичан бўлиши учун кенг имкониятлар яратади:”Шундан кейин.. . У хабар бу ёққа шамол бўлиб, кейин бўрон бўлиб эди.” (“Қил кўприк”,56)

“Икромжоннинг ҳамон боши оғриб турар, юрагида олатўфон, лекин вужудида ғалати бир ғайритабиий шижоат пайдо бўлган эди” (“ Оғир тош кўчса”,135)

Мисолларда *шамол*, *бўрон*, *тўфон* сўзлари содда метафоралар ҳисобланиб хабарнинг тез етиб келганлиги уруш маъноси ҳамда юрагидаги ғам-алам маъноларини ифодалаш учун хизмат қилган. Ёввойи қушлар, уй паррандалари номларини англатувчи кўпгина лексемалар метафорик маънони ифодалаш учун хизмат қилади. Кўпгина ҳолатларда қушларга хос баъзибир салбий хатти-ҳаракатлардаги маънони ифодалашда муносабат юзага келади. Бундай ҳолатларда экспрессив-эмоционаллик янада кучаяди ҳамда бадиий таъсирчанлик ошиб боради. Бундай қўлланишлар ҳам ШукурХолмирзаев ижоди учун характерли бўлиб, қуйида берилган матн орқали ойдинлик киритамиз: “-Чик.-Қаюм камерага кўз солиб, изига қайтди.- Ерда ётибсан. Сенга кўрпача солиб берган эдим..Э, куриб кет! Сизга ичгинда!

Ўзинг туппа-тузик йигитсан!..Э! Ҳамроҳинг қарға бўлса, еганинг ахлат бўлади...” (“Оғир тош кўчса”, 134).

Келтирилган матндаги қарға сўзи семантикасида салбий маъно ифодаси мавжуд бўлиб, ҳамроҳининг ёмон эканлигига ишора қилинган. Демак бу ўринда қаҳрамоннинг тингловчига муносабатининг салбийлиги қарға сўзи орқали очиқ берилган. Айти пайтда. Сўзловчининг бу ҳолатдан ачинаётганини ҳамроҳининг ўзига ҳам ёмонлик олиб келаётганлиги ишораси бор.. ўз навбатида ёзувчининг тил имкониятларидан самарали фойдаланганини эътироф этиш лозим.

Метафора – бадиий нутқда турли хил мақсадлар йўлида ишлатилади.

Хусусан, бу кўчим тури бадиий тилнинг қимматини ⁹янада ошириш мақсадида, белгини яшириш ёки очиқ мақсадда ишлатиш учун ҳам ишлатилади. Жумладан, яширин белги асосида юзага келган метафора индивидуал услубга хос бўлиб, унда тасвирий бўёқдорлик кучли бўлади.¹⁰(58,27)

Маълумки, индивидуал метафоралар бадиий тил учун муҳим бўлиб, бадиий ўйни олдин ифода қилмаган шаклда ифодалаш имконини беради. Индивидуал метафораларга хос муҳим хусусият яна шундаки, бир тушунча бир ижодкор орқали бир неча кўриниш орқали ифодаланади. Индивидуал метафораларга хос бундай хусусиятлар Шукур Холмирзаев қаламига мансуб ҳам бўлиб, унинг баъзи бир томонларини ўрганиб чиқиш фикрга янада ойдинлик киритади. Масалан, севги маъносини ифодалашда ёзувчи *буюк бир нима , қалбида галаён* каби ибораларни қўллаш орқали ҳам индивидуал метафоралар ҳосил қилади. Бу эса ёзувчининг индивидуал нутқ услубига эга эканлигидан далолат беради. Қуйида келтирилган мисоллар орқали ҳам метафорик қўллашнинг шу томонларини кўздан кечирамиз:” Бироқ ўғли шабададан жунжикиб, бўйнига талпинар экан, ўрталарида бошқа буюк бир

⁹ Калинин А.Б. Лексика русского языка.- М.: МГУ, 1978.-С.24-27

¹⁰ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш.- Тошкент: Фан, 1976.-Б.10-116

ниматурганини ҳис қиларди-ю, машина соҳил бўйлаб жилар экан, энди Ҳанифа билан видолашаётганини ўйлади” (“Оғир тош кўчса”, 107)

Метафора кўчим тури сифатида кўчимнинг бошқа турларига ҳам ўхшаб кетади. Жумладан ўхшатиш ва метафора ўрт асида умумийлик борлиги, айти чоғда уларнинг бир-биридан фарқи ҳам бор. Баъзи манбаларда уларнинг ўхшаш ва фарқли кўринишлари таҳлил этилганини кўраимиз.

Булар ўртасида яқинлик ва фарқли томонларни янада аниқроқ таъкидлаш мақсадида диққатни яна қуйидагиларга қаратиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ўхшатиш уч асосдан иборат бўлса, метафора фақат ўхшатиш нарсаининг маъносини изоҳлайди, холос.¹¹

Ўхшатишда қиёсланувчи нарса ёки ҳодиса ифодаланаётганда сўз тўғри маънода қўлланилади, метафорада эса кўчим юзага келади. Хуллас, метафора ва ўхшатиш орасидаги бу фарқларни очиб бериш ҳам ёзувчи ижодини ўзига хос услубини таҳлил этишда катта аҳамиятга эга десак, хато қилмаймиз.

Бинобарин, метафоралар ҳам бадиий тилнинг гўзал, нафис бўлиши учун муҳим аҳамият касб этувчи тасвирий воситадир. Ундан ҳар бир санъаткорнинг унумли фойдаланиши бадиий асар тилининг янада жозибадор бўлиши учун кенг имконият яратиши, шубҳасиздир. Шу жиҳатдан ҳам ёзувчи ижодида қўлланилган метафораларнинг кўздан кечирар эканмиз, унда адибнинг сўз қўллашдаги бадиий маҳорати ошиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Айти пайтда, қаҳрамонлари нутқидаги айрим нуқсонлар метафорик йўл билан бартараф этилганини кўраимиз.

Бундан ташқари ёзувчининг ҳар бир фикрни образли воситалар билан бойитиш учун ҳам метафораларни қўллашга алоҳида аҳамият берганини кузатдик.

Хулоса қилиб айтганда, Шукур Холмирзаев ижодига хос метафораларни ҳар жиҳатдан таҳлил этиш ва ўрганиш, ижодкорнинг ўзига хос индивидуал нутқ услубига эга эканлигидан далолат беради.

Боб учун хулосалар

¹¹ Р.Нормуродов. Шукур Холмирзаевнинг бадиий малоҳати, 2003, 53-б

1. Шукур Холмирзаев ҳар бир сўздан асар тилини жозибадор, оҳангдор, сержило бўлишини таъминлашни назарда тутиб фойдаланади, бу эса ёзувчи асарлари тилининг таъсирчанлигини оширади.

2. Ёзувчи ҳикоялари тилида сўз ўз маъносида келганда ҳам, кўчма маънода қўлланганда ҳам асар тилига жозоба беради, асар тилининг ўзига хослигини таъминлайди.

3. Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини кунт билан ўрганар эканмиз, унда ёзувчининг асарлари тилига хос қисқалик, ихчамлик, лўндалик каби хусусиятлар ҳам кузатилишини гувоҳи бўлдик. Бу орқали ёзувчи тежамкорликка эришади, яъни қисқа фикрлар орқали воқеа-ҳодисани бўрттириб, қабариклаштириб ҳамда маълум маънода тушунарли бўлишига эришади.

4.. Шундай қилиб, Шукур Холмирзаев серқирра ёзувчидир. У халқ тили ва унинг ноёб дурдоналаридан унумли ва ўринли фойдалана олган таланти адибдир. Шунинг натижасида ёзувчининг асарларини ўқиш ва ўрганишда ўқувчига ҳавас уйғониши, табиийдир.

Хулоса шуки, Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилида ишлатилган ҳар бир сўз ва ифода воситаси мумкин қадар асар тилини бойишига, сержило ва сербўёқ бўлишига замин яратган.

II БОБ. ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҲИКОЯЛАРИДА ДИАЛЕКТИЗМЛАР ВА УЛАРНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили нормаларининг шаклланиши ва мустаҳкамлана бориши узоқ ва ўзига хос тарихга эга.

Ўзбек адабий тили яратилгандан шу кунга қадар бу тилда юзага келган кўплаб асарлар туфайли ўз нормаларини турли хил таихий даврларда такомиллаштириб келди Ўзбек адабий тилининг ривожини ва стабиллашуви кўп

жиҳатдан унга таянч бўлган ўзбек шеваларини аниқлаб олишга боғлиқ эди. Шу жиҳатдан ўзбек адабий тилини умумхалқ тилга яқинлаштириш тадбирлари кўрилади.¹²

Кейинчалик ўзбек адабий тили асосига марказий шаҳар шевалари олиниб сингарсонизмдан воз кечиш тарихан умумўзбек адабий тилининг ривожланишида шаҳар шеваларига таяниш адабий тил манбаларини тўғри аниқлашга ёрдам берди.¹³

Ўтмишда гинетик жиҳатдан турлича бўлган ўзбек халқи шеваларининг бирлашиши учун халқининг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиши кенг йўл очиб берди.

Ҳозирги вақтда деалектал хусусиятларнинг текислана бориши фақат кўшни шеваларнинг ўзаро муносабати натижасини эмас, балки адабий тилининг атрофлича самарали таъсири натижасида рўй бекмоқда. Бу ҳол эса ўзбек халқи ҳаётида рўй берган янги муносабатларнинг ўсиши, кенгайиши билан ҳам боғлиқдир.

Ҳозирги замон шароитида анъанавий ва тор диалектал хусусиятларнинг аста-секин йўқола бориши янги тил юзага келиши халқимиз орасида янгича моддий ва маънавий кенгая бориши натижасида рўй бермоқда. Шева ва диалектларга янги фактларнинг кириши адабий тил таъсирида янада кучаймоқда.

Адабий тил шакллари шева ёки диалектдаги ўзига ўхшаш диалектал шакллар ўрнини эгаллаб, баъзан эса диалектал шаклларнинг ўзи бир оз ўзгарган шаклда адабий тилга яқинлашади. Ўзбек адабий тили шу тилда сўзлашувчи ўзаро алоқа воситаси эмас, ривожланган ўқиш ва ўқитиш тили Ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиёт тили, вақтли матбуот тили даражасига эришди. Ўзбек халқи муносабатларининг барча соҳаларида амал қила оладиган умумхалқ ўзбек миллий тилига айланди.

¹² Шоабдурахмонов.Ш Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1961й, 13-14 б

¹³ Шоабдурахмонов. Ш Ўзбек адабий тилининг тараққиёти. “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 1977 йил, 4-сон, 3-бет

Шу нуқтаи назардан, 1982 йилда қабул қилинган Қонуннинг адабий тилни бойитиш ҳақидаги моддаларини ҳисобга олсак, адабий тил ва диалектлар муносабати, тилни лексик жиҳатдан бойитишда шеваларнинг(жонли халқ тилининг) аҳамияти масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Адабий тил нутқ маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, маълум нутқ жараёнида тил нормаларига риоя қилиш, ифодалилиқка интилиш, тил имкониятларидан етарли даражада фойдаланишни назарда тутати.

Адабий тил ҳамма вақт маълум ижтимоий замин ва нутқ амалиётига мос келадиган омилга таянчга –диалектларга суянади. Ўзбек адабий тилининг ҳам ижтимоий заминининг кенгайиши ва мезонларнинг аниқлаб олиниши, шу тилнинг диалектлари ҳисобига бўлди. Ҳозирги кунда диалектлар яхлит система сифатда ўз вазифасининг маълум даражада торайиб қолганини кўрамизки, энди улар интердиалектлар сифатида ўрганилиши керак бўлиб қолди. Адабий тилнинг ҳозирги тараққиёт босқичида уни нормаллашмаган нутққа зид қўйиш мумкин. Адабий тил ижтимоий ҳаётнинг маҳсули, у фақат ўзбеклар идрокида жамғарилган руҳий бойликларни мустаҳкамлаб қолмай, балки уни тушунирли ва умуметарли, оммабоп қилади. Шунинг учун адабий тил мазкур тилнинг эгаси бўлган халқ учун умумий тил даражасига кўтарилмоғи керак бўлади.

Адабий тил тилнинг сайқалланган шаклдир. Халқ тили ва адабий тил деганда, би “хом” ва сўз усталари томонидан қайта ишланган , нормаллашган тилни тушунамиз. Тилни қайта ишлаш, бу, умумистеъмолга лойиқ бўлган ва норма бўладиган тил материалларини воситаларини танлашдир. Тиллар тараққиётининг асосий қонуниятларидан бири тилларнинг ўзаро муносабатидир. Бу қонуниятни адабий тил ва шеваларнинг муносабатига ҳам тадбиқ этиш мумкин. Шу маънода тилни бойитишда диалектлар муҳимдир.

Адабий тил ижтимоий тараққиётнинг маҳсули сифатида вужудга келади ва у умумхалқ тилида яратилган маънавий бойликларни тартибга солиб , нормаллаштириб, мазкур тил эгаси бўлган халқ учун тушунарли бўлишини таъминлайди.

Ўзбек адабий тилини ҳам халқимизнинг эҳтиёжини қондириувчи умуммиллий ва халқчил тил даражасига кўтармоқ учун уни шу тил эгаси бўлган халқнинг барча сўзлари ва имкониятлари билан бойитиб келажак авлодларга ўзбек тилини ҳар томонлама бойитиб, келажак авлодларга ўзбек тилини ҳар томонлама мукамал, ўз миллий руҳини сақлаган, лексик жиҳатданбой бир тил қилиб қолдиришимиз керакки, у асрлар оша ҳам ўз кўрки ватароватини намоён қила борсин.

Ўзбек халқи жонли тилида адабий тилда учрамайдиган, адабий тилга киритилса, унинг луғат хазинасини бойитиш мумкин бўлган адабий тилда муқобили бор, лекин эҳтиёж туғилганда услубият учун қўллана олиши мумкин бўлган, адабий тилдаги ўхшаш сўздан маъносига кўра фарқ қиладиган зига хос маъноли сўзлар адабий тил тасарруфига олиниши керак бўлган мингла сўзлар бор. Бундай сўзларни адабий тилга киритиш ва тилнинг луғат таркибидан ўрин олишини таъминлаш керак. Халқнинг жонли тили адабий китобнинг асоси ва самарали омилидир. Чунки ўзбек каломининг туганмас кони шевалардир.

Диалектал сўзлар бадий асарларда ҳам қўлланилши. Яъни жой колорити, персоножлар тили хусусиятлари, ниҳоят услуб ранг-баранглигини таъминлаши учун қўлланилмоғи лозим.

Шевалар ўзбек тилининг сўз хазинисидир. Шу сабабли ёзувчи шоирлар ўз асарларида шева сўзлардан турли услубий ҳолатлар учун ҳам ишлатилади.

3.1 Диалектизмларнинг адабий тилга муносабати. Гап бадий асарларда диалектизмларнинг тутган ўрни, вазифаси ҳақида борар экан, аввало диалектизм термини ва унинг маъноси, диалектизмларнинг турлари ва адабиётшуносликда диалектизмларга берилган таърифлар, муносабатлар ҳақида фикр юритишга тўғри келади .

Аввало шуни айтиш керакки, шоир ва ёзувчилар ўз асарлари тилида бирор диалектга хос сўз ва иборалардан турли мақсадларда фойдаланиб

келади.¹⁴ Бу масалада алоҳида номзодлик диссертацияси химоя қилинган ва мақолалар эълон қилинган. Аслида диалектал сўз нима, тилнинг лексик составига кирган бошқа сўзлардан унинг қандай фарқи бор?, деган савол туғилади. Бу ҳақдаги масала унчалик мураккаб кўринмасда, уни изоҳлаш ҳақида турлича қарашлар мавжуд эканлигини кўрамиз.

Диалектизмлар бу маҳаллий халқ тилидан ўзлаштирилган сўзлардир. Бундай қарашлар ҳатто чет эл лингвистик қарашларда ҳам ўз ифодасини топган. Гарчанд бундай қараш ҳақиқатга бирмунча яқин бўлса ҳам, анча умумий ва ноаниқдир. Шу сабабдан бундай тарзда қўйилиши баъзан бадиий адабиётда диалектизмларни қўллашнинг услубий хусусиятлари тўғрисида ноаниқ назарий фикрлар ҳам бор. Диалектизм атамаси тилшунослик фанида ҳам тўлиқ ва ўзининг аниқ мазмунини ифодалайдиган таърифга эга эмас..

Масалан, профессор У.Турсунов ва бошқа муаллифлар ҳамкорлигида чиққан “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигида диалектизмларга “ишлатилиш доирасига кўра чегараланган тил ҳодисалари” деб таъриф берилган. Диалектизмлар умум тилга эмас, балки, шу уму тилнинг маҳаллий кўриниши бўлган диалектизмларгагина хос бўлган ҳодисадир.

Шунга кўра улар одатда бирор диалектларнинг вакиллари нутқида ишлатилади., кўпинча бошқа диалектларнинг вакилларига , шунингдек адабий нутққа ҳам хос бўлмайди¹⁵ ..

М.Мирзаев, С.Усмонов, И.Расуловлар ҳамкорлигида “Ўзбек тили ” дарслигидаги “Ягона миллий тилда ишлатилмайдиган, айрим маҳаллий диалектларгагина хос бўлган сўз диалектизм дейилади” , деган таъриф берилган.

Умумхалқ ўзбек тилининг маҳаллий кўринишлари диалектимлар дейилади,¹⁶ каби таърифлар ҳам мавжуд. Ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган бу таърифлар аслида моҳият жиҳатдан бир-бирига яқин туради.

¹⁴ Шоабдурахмонов. Ш. “Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари” Тошкент, “Фан”, 16961 йил, 5-бет

¹⁵ Файзуллаев.Б. Диалектизмлар ва уларнинг бадиий адабиётдаги ўрни “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 1972 йил, 4-сон, 35-бет”

¹⁶ Қосимов.К, Икромов.Р “Ўзбек тили”, Тошкент, 1978, 45б

Бундай айрим диалект ва шеваларга хос бўлган ва адабий тил таркибида ишлатилмайдиган сўзлар диалектизмлар дейилади деган хулосанинг келиб чиқиши аниқ бўлиб қолади. Диалектизмлар маълум бир диалектга хос бўлган тил бирлигидир. Уни адабий тилда ишлатиш, ишлатилмаслини ўйлаб кўришга тўғри келади. Бу масалада рус ва туркий халқлар тилшунослигида ҳам турлича қарашлар бор. Абакумов .С.И фикрича , маҳаллий шеваларга хос бўлган сўзларни адабий тил таркибида қўлланилишини диалектизмлар деб аташ керак.

Шунингдек, “Рус тилининг изоҳли луғати” да:”Диалектизмлар – адабий тил томонидан бирор-бир диалектдан ўзлаштириб олинган ссўз ва нутқ бирлигидир”.

Рус тилшуносларидан Абакумов С.И ва Ушаков Д.Н лар бу фикрга эътироз билдирган ҳолда адабий тил томонидан ўзлаштирилган ва унинг таркибида қўлланиладиган , бирор маҳаллий шевага хос бўлган сўз ва ибораларни диалектизмлар деб қарайдилар.

Шунингдек Виноградов В.В, Аванесов, Калинин.А ва бошқалар адабий тил таркибида учраб турадиган диалектал элементларни диалектизмлар номи билан атайдилар.

Рус ва туркий тилларда ҳам бадиий асарлар тилида учрайдиган диалектизмлар бўйича ишлар олиб борилган. Масалан, рус тилшунослигида бадиий асарлар тилидаги диалектизмларнинг хусусиятларига тўхталиб, адабий тилнинг тасвирий воситаларини тўлдирувчи ва бойитувчи у ёки бу шеванинг ўзига хос лексик, фразеологик, фонетик, морфологик сўз яшаш , синтактик хусусиятлари диалектизмлар деб таърифланади. Озарбайжон тилшуноси Мирзакулов Б ҳам шунга яқин фикрни олға сурган.

Ветвинский В ва Мирзакуловлар диалектизмларга таъриф беришда фақат бадиий асар тилида учрайдиган ҳодисаларнигина ҳисобга олган кўринади. Рус тилшуноси Прохорова В.Н бу масалага анча аниқ таъриф берган. “Лингвистика ва адабиётшуносликда диалектизм термини мавжуд,

яъни улар маҳаллий диалектлардан ўзлаштирилган ва адабий тил составида қўлланиладиган сўзлардир.”

Демак, диалектизм терминининг маъноси фақат адабий тилни ўрганиш ва адабий тилни диалектлар билан таққослаш жараёнида очилиши мумкин.

Ўзбек тилшунослигида диалектизмларга берилган таърифлар назарий жиҳатдан жуда тўғридир. Академик Шоабдурахмонов Ш.Ш умумхалк тилининг маҳаллий кўринишлари ёки унда қўлланиладиган тил ходисалари диалектизмлар эканлигини кўрсатган. Бадий асарларда учрайдиган диалектизмлар ҳақида махсус тадқиқот олиб борган ўзбек тилшунос олими Б. Файзуллаев масалани жуда ойдинлаштирган. У айтади: “Диалектизмларни олимлар турлича таърифлашган. Айрим сабабларга кўра ва маълум мақсадларни ўйлаб адабий тил таркибида қўлланиладиган, унда маълум вазифани бажарадиган, алоҳида диалект ва маҳаллий шеваларнинг вонетик, морфологик, лексик ва синтактик хусусиятларини ўзида акс эттирадиган сўз ва сўз бирикмалари диалектизмлардир”

3.2. Диалектизмларнинг бадий асарларда қўлланилиши ва ишлатиш

мақсадлари. Бадий асарларда диалектизмларнинг қўлланилиши

сабабларини қуйидагича изоҳлаш шу соҳада иш олиб борган

тадқиқотчиларнинг ишларида кенг ифода қилинган¹⁷.

1. Умуман диалектизмларнинг турли хил кўринишлари бадий асарлар тилида тез-тез учраб туради. Айниқса, тадқиқотчиларнинг фикрича атоқли ўзбек ёзувчилари ва шоирлардан Ойбек, А.Қахҳор, Ғ.Ғулом, Ш.Рашидов, А.Мухтор, П.Қодиров, Тоғай Мурод, Ш.Холмирзаев У.Азим ва бошқалар ўз асарларида халқнинг жонли сўзлашув нутқида –диалектизмларга тез-тез мурожаат қилиб турадилар.

2. Жонли шевалар ёзма ёдгорликларда, шунингдек ўзбек адабий тилида ҳам учрамайдиган айрим грамматик формалар, лексик элементларни сақлаб қолганки, уларни асосли равишда ўрганиш жуда муҳим тарихий лингвистик хулосаларни чиқаришга имкон беради, қатъий бир қонуният

¹⁷ Шоабдурахмонов Ш.Ш «Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1961,202-220-б»

асосида тилнинг қадим замонлардаги ҳолатини аниқлашга текширувчига қимматли материал беради, шунинг билан бирга шунга ўхшаш лексик-грамматик ҳодисалар ёзувчиларнинг тарихий мавзуларга бағишланган бадиий асарларга жуда қўл келади.¹⁸

3. Ёзувчи маълум бир яшовчи халқ турмушини ва у билан боғлиқ нарсаларни аниқ тасвирлашмақсадида шундай сўзлардан ўрни билан фойдаланади. Бундай сўзлар айрим шеваларда бўлса ҳам бошқа шеваларда учрамаслиги мумкин. Масалан ёзувчи И. Раҳим “Чин муҳаббат” асарида болиш сўзини Андижон шеvasидан олиб ишлатган, жумлани айнан келтирамир:

“Тузарда сўрига гилам солиб пар болиш ёнбошлаб ўтирган Бозоров кампирга гап ташлади”. Болиш сўзи адабий тилда ёстикни англатади. Болиш сўзи Ш.Холмирзаев асаларида ҳам шу маънода қўлланилган, Сурхондарё шеваларида ҳам болиш сўзи Андижон шеvasидек маънони ифодалайди ва англатади.

4. Ўзбек шеваларида бир қатор сўзлар мавжудки, улар адабий тилдаги сўз билан бақамти равишда қўлланилади. Шулардан бири ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма бўлиб қўлланилиши керак. Масалан, жарқанат / йарқанат (кўршапалак), нури / гўнг (ўғит), адрасман / ҳазариспанд / испанд (исирик) гирдикапа / якандаз/ гирдихона (кўрпача), каса / таба / чини (чинни коса), экқат/бувоз/бошқоронғи/бўғоз (хомиладор), шоти / нарвон / занги(нарвон) чиначак/чимчилоқ/чинақай/ бувак(жимжималок), халганчак/ хайунчак(арғимчоқ).

Кўпгина ёзувчиларнинг асарларида бундай сўзларни бир вақтда параллел равишда қўлланилишини кўриш мумкин.

5. Шундай лексик ёки фразеологик ҳодисалар борки, ҳал улардан адабий вариант ажралиб чиқмаган ва уларни диалектал вариантга нисбатан зид қўйиб бўлмайди. Масалан, ўғир- кели.

¹⁸ Файзуллаев Б.” Диалектизмлар ва уларнинг бадиий адабиётдаги ўрни”, “Ўзбек адабиёти ва тили” журнали, Тошкент, 1977, 4-сон

“Ўзаги ўғир сонидан йўғонроқ толнинг ўзи хам мана энди қуриб ярим тирик, ярим ўлик бўлиб қолди” (М.Исмоилий”Фарғона тонг отгунча”1-китоб, 45-бет).

У келида ниманидир гурсиллатиб туяр эди. Ш.Холмирзаев.

Адабий тил таркибида учрайдиган бундай сўзлардан танлаш йўли билан, яъни худудий жиҳатдан кенг тарқалганини адабий мезон даражасига кўтариш маъқулдир.

6. Бадиий асарлар тилидаги диалектизмнинг учраши ёзувчи ёки шоирнинг маълум бир диалектнинг вакили эканини кўрсатиб туради. Албатта бу ҳал қилувчи омил эмас. Чунки бадиий асарлар тилига киритиладиган диалектал ходисалар айрим сабабларга кўрагина эмас, балки ёзувчи томонидан онгли равишда ҳам киритилади, бу эса ёзувчига воқеа-ходисани ҳаққоний тасвирлаш учн ёрдам беради ва асар ғоясини чуқурроқ очишида маълум вазифаларини бажариши мумкин. Шундай ҳулоса бўладики, бадиий асарлар тилида диалектизмларнинг учраб туриши стихияли ҳал бўлмай, балки маълум бир қонуният ёки сабаблар билан белгиланади.

Диалектизмларнинг бадиий асарлар тилида қандай мақсадлар ҳақида тилшунослик ва адабиётшунослик фанида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, рус тилшуноси Ветвинский В.Г “Маҳаллий колоритни яратиш-бу типик воқеаларни тўғри тасвирлашда бир бадиий воситасидир”,- деб кўрсатади.

Акадедек Шоабдурахмонов Ш.Ш “ Диалектал сўзлар бадиий асарларда ҳам қўлланилиши яъни жой колорити, персонажлар тили тили хуусусиятлари, ниҳоят ранг-баранглигини таъминлаш учун ҳам қўлланилмоғи лозим”,- деб кўрсатилади.

Шуу нуқтаи назардан қаралса, диалектизмларнинг бадиий асарлар тилида ишлатилишининг мақсадларини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

1. Диалектизмларнинг жой колорити ва маҳаллий жой ҳаётини, ундаги шахслар нутқини очишда катта аҳамиятга эга. Ёзувчи асар персонажлари нутқининг жойга нисбатан тилдаги мослигин очишда, ўша

худуднинг табиий шароитини, рельефи ва турмуш тарзини тасвирлашда бундай сўзлардан ўрни билан фойдаланилади.

Чунки маълум бир халқнинг турмиш психологияси (анъаналари, урф-одатлари, эстетик қарашлари, қизиқиши, санъати, маданияти) ва улар билан боғлиқ бўлган лексик бойлиги асрлар давомида юзага келади, буларсиз шу халқ ҳақида яхши ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиш мумкин эмаслиги билан изоҳланади.

Маҳаллий калорит белгилари, айниқса маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларнинг нутқида, лексикасида яхши акс этади, шу сабабли бирои маҳаллий тушунча диалектал сўз бадиий асарда тасвирланаётган воқеа учун аҳамиятли бўлган ҳолатнинг маълум бир маҳаллий белгисини билдирса, у ҳолда бундай сўзларнинг бадиий асарлар тилида қўлланилиши ўринлидир.

2. Шу нарса аёнки, бадиий асарда характер яратиш асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Одамзод яшаётган муҳит, уни руҳияти. Дунёқараши, ўзига хос сўзлаш услубини ифода услубини ифода этмасдан аниқликка эришиб бўлмайди.

Шу сабабли бадиий асарда ҳар бир персонажнинг ўзига хос индивидуал нутқида бериш катта аҳамият касб этади.

Чунки, характер тилда ҳам акс этади. Диалектизмлар эса мана шу ўринда, яъни персонажнинг индивидуал нутқини яратишда ёзувчи учун асосий манба ҳисобланади.

Ёзувчи маълум бир даврдаги ҳаёт воқеаларини тасвирлар экан, шу давр кишиларининг дунёқараши, руҳиятини ҳаққоний тасвирлашда энг муҳими характерларини очишда ҳар бир персонажнинг ўзига хос нутқини берадики, бундай пайтда у диалектизмлардан фойдаланиади. Ёзувчи Ў.Холмирганв ўзининг барча асарларида, чунончи, “Қора камар”, “Сўнгги бекат” каби йирик прозаик асарларида Сурхондарёнинг маҳаллий калоритини ифодалашда диалектизмларни жуда усталик билан қўллай олган. Кейинги ўрнларда мисоллар берилган.

3. Бадиий асарнинг халқчиллигини таъминлаш ва уни бўрттиришга адабий ва халқ тилини бир-бирига яқинлаштиришга диалектизмларнинг ўрни бор.

Бадиий асарнинг ўқимишли бўлиши ёзувчи ўз асарларида халқ тили бойлигидан қандай даражада фойдаланганлига, асар тилининг кенг халқ оммасига тушунарли, содда ва мазмундор ёзилганлиги, халқ мақол ва иборалардан. Диалектизмлардан ўринли фойдаланганлиги билан ҳам белгиланади.

Шу маънода ёзувчи Ш. Холмирзаевнинг асарлари ўзига хос хусусиятарга эгадир. Чунки адиб асарларида халқчиллик, ундаги диалектизмларнинг услубий жиҳатдан маҳаллий калоритни бирлик учун тўғри қўлланганлигидир.

4. Шунини алоҳида айтиш керакки, диалектал сўзларнинг адабий тил таркибига киришида, унинг луғат фондидан жой олишида бадиий асарлар жуда катта ўрин тутаяди. Чунки халқ лексикаси адабий тилга асосан бадиий асарлар орқали кириб келади. Ўз навбатида бадиий тил ҳам ҳар томонлама шеваларга фаол таъсир кўрсатиб туради, лекин шевалар ҳам адабий тил учун зарурий манба бўлиб хизмат қилади.

Шунини таъкидлаш керакки, миллий тил таркибида диалектлар сақланиб қолар экан, улар ҳамма вақт бир-бирини бойитиб ва тўлдириб боради¹⁹. Шунинг учун ҳам айрим олимлар томонидан илгари сурилган ва сурилаётган диалектлар ҳозирги кунда адабий тил ва унинг ривожланишига ҳеч бир таъсир қилмайди деган фикрларига унчалик ҳам қўшилиб бўлмайди. Балки рус тилшуноси Ожегов С.И фикрича айтилган умумхалқ тили. Унинг адаби шакли унинг луғат фондининг бойлигига ва грамматик жиҳатдан нормаллашишига қарамасдан шева тилининг мағзини, ширасини ўзига қабул қилишини давом эттиради.²⁰

¹⁹ Файзуллаев Б Диалектизмлар ва уларнинг бадиий асардаги ўрни. “Ўзбек тили ва адабиёти ” журналы, 1977, 4-сон, 36-бет

²⁰ Ожегов С.И Основные черты развития русского языка. Известия АН. Отд литературы и языка, том I Москва 1951, 29-30с

Диалектизмлар бадий асарлар тилга айрим сабаблар натижасидагина эмас, балки аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда асарга маълум бир вазифани бажаради.

Бундан ташқари, диалектизмлар бадий асар тилида стилистик ранг-барангликни таъминлаш, нутқнинг эмоционаллигини ошириш, тарихий ва жой колоритини яратиш асар тилининг синонимик қаторини бойитиш ва шу каби бир қанча вазифани бажарадики, булар контекстан маълум бўлади, яъни ҳар бир диалектал сўз ва иборани ўз контекстида текширганимиздагина унинг қандай вазифани бажараётганини биламиз.

Диалектизмлар бадий асарда ўринли қўлланган тақдирдагина асар ғоясини бойитишда, ёритишда, воқеийликни ҳаққоний тасвирлашда ёзувчига хизмат қилиши мумкин.

Лекин бадий асар диалектизмлардан ортиқча фойдаланиш ёки ўринсиз ишлатиш асар тилига путур етказди, уни тил жиҳатдан қашшоқлашиш, хиралашишга олиб келади.

Юқорида қайд этилганидек, ёзувчи асарларида қўлланилган ана шу қатламлар хусусида фикр юритиш, санъаткорнинг маълум маънодаги бадий талантини ҳам аниқлашга ёрдам беради.

3.3 Шукур Холмирзаев асарларида диалектизмлар ва уларнинг фойдаланишдаги ёзувчининг санъат маҳорати. Диалектизмлар

умухалқ тилининг ажралмас бир қисми бўлиб, асосан жонли сўзлашув нутқида хос лексемалар ҳисобланса-да, улардан бадий адабиёт тилида фойдаланишга ҳам эътибор қаратилади.

Кўпгина тилшуносликка оид тадқиқотларда, диалектизмларни умухалқ доирасидаги нутқ тури доирасида ҳам қаратилиб келинган ва тилнормасига мос келмаслиги туфайли адабий нутқда чегараланган ҳолатларда қўлланилиши ҳақида фикрлар юритилган.

Одатда диалектизмларда фойдаланиш орқали санъаткорлар, персонажлар нутқини индивидуаллаштиради, маҳаллий колорит нутқини таҳлил этади ва қаҳрамонлари тасвирини чизиб бериш учун ҳам уларга қўллашга эътиборни

қаратади. Шу билан бирга, диалектал сўз ва иборалардан фойдаланишда чегара бўлиши, нутқда бўлмаслик ҳақида бўлмаслик ҳақида қайғуриши лозим.

Бинобарин, бадиий асар тилида учрайдиган диалектизмларни ўрганиш орқали ҳар бир санъаткорнинг умумхалқ тили бойлигидан қандай, қай ҳолатда, нима мақсадда фойдаланганини, унинг таланти ва маҳоратига қараб ўрганамиз. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Ш. Холмирзаев бадиий таланти ва оқилона фойдаланиш жараёнида янада яққол сезилади.

Ёзувчи ҳар бир асарининг тилининг халқчил бўлишини таъминлаш персонажлар нутқини индивидуаллаштиради айни пайтда маҳаллий колорит нутқини типиклаштириш мақсадида ҳам диалектизмлардан фойдаланишга эътиборини қаратади. Чунки диалектизмлар бадиий адабиёт тилида турли хил вазифаларни бажариши мумкин. Бу бевосита ёзувчи асарлари дунёсига сингиб кетганлиги туфайли ҳам ижоди шу алфозда кўркамлашиб боради. Қуйида берилган матнлар орқали диалектизмларни ёзувчи ижодида турли мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун ҳам қўлланилганини кўздан кечираамиз.

-Бўпти. Сизлар кириб чиқинглар. Мен кутиб тураман. Кейин бир-бир маслаҳат қиламизда. Менга ишонасизларми? (“Сўнгги бекат”)

-Бу қанақаси бўлди?- деди Мунира,-Россиянинг бир бурчагини кўтариб опкелганмисизлар(“ Сўнгги бекат”21)

-Шунақа бўлиб қолди, иним,-деди у киши,- оқшом маҳали энди Термиздан келиб ўтирган эдим.

-Ҳа, ука, олло кўп кўрди Саидбекни...(“Оғир тош кўчса”)

Келтирилган мисоллар орқали ёзувчининг диалектал сўзлардан турли мақсадларни тасвир этиш мақсадида қўлланилганини кўраамиз. Аввало, бўпти/ хўп, опкелганмисизлар / олиб келганмисизлар, шунақа / шундай, иним/оғам, маҳал / пайт диалектал сўз ва иборалари матнни безаб туради. Таъкидлаш жоизки.бу каби диалектизмлар гарчанд бадиий нутққа хос

бўлмаса-да, улардан англашилаётган тасвирларда турли хил маъно оттенкалари акс этиб туриши табиийдир.

3.4. Ш.Холмирзаев асарлари тилида ишлатилган диалектизмларнинг турлари ва уларнинг услубий қўлланилиши. Диалектизмларнинг турли

хил кўринишлари ва уларнинг турларини ўзбек адабиётида яратилган бадий асарлар тилида, халқ тилида элементлари(имкониятларига) диалектизмларга тез-тез мурожаат қилиб туради. Ёзувчининг “Қора камар”, “Қил кўприк” каби асарлари Сурхондарё вилояти атрофида бўлиб ўтган воқеаларни акс этиши билан бирга шу ҳудудда яшовчи аҳоли нутқига хос хусусиятларни ифода этиши билан ажралиб туради. Бизнинг текшириш объектимиз учта қилиб олинган. Ёзувчи Ш.Холмирзаевнинг учта йирик асарида диалектизмларнинг қуйидаги турлари учради.

1. Фонетик диалектизмлар²¹. Бундай диалектизмлар шевадаг сўз билан адабий тилдаги сўзнинг талаффузида, урғуда, фонема составида, уларнинг ўринлашувда, сони ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади: Масалан: Аллағайтиб бир кепсиз. Борасиз-да, болам.(кепсиз-келибсиз. “Оғир тош кўчса” 20-бет)

Борсам соб бўп қолган ва ҳ.

Шукур Холмирзаевнинг “Оғир тош кўчса ” асарида элликка яқин фонетик диалектизмлар қўлланган ва улар услубий жиҳатдан маҳаллий аҳоли нутқига хос хусусиятларни ифодалаган.

2. Лексик диалектизмлар²² фақат шевагагина хос бўлиб, адабий тилда учрамайдиган сўзлар бўлиб, бадий асар тили учун жуда ҳам характерлидир. Чунки бундай сўзлар ҳозирги пайтда жонли халқ шеваларида сақланиб қолган, лекин ҳозирги адабий тилда учрамаслиги, учраса ҳам бошқа семантик хусусиятга эга бўлиш мумкин²³. Ёзувчи Ш. Холмирзаев ўз асарлари тилида лексик диалектизмларни қўллашга алоҳида эътибор берган.

²¹ Буларни И. Балашша ва Д.Г Киекбоевлар вариант сўзлар ёки сингормоник параллелизмлар деб атайдилар. И.Балашша, Венгерский язык Москва,1951 стр.5

²² Ф. Абдуллаев “Диалектал луғат” ЎЗГА.1966

²³ А.Фуломов. Диалектал луғат ҳақида.Тошкент,1968,№14-б

“Оғир тош кўчса” асаридан олинган мисолларга қарайлик::

Кейин икки сатилни кўтариб сув олиб келгани Кўк булокқа кетди.(сатил/челак)

Қиз ўрнидан турди, керагага рўпара бўлди.(керага-уй қурилмаси)

Енгини шимариб сирли карсонни чиқариб ювди. (карсон/хамир қорийдиган катта товоқ)

Хоҳласам чеча дейман. (чеча-янга)

Тагин ўзинг юргич бўлиб чиқма.(тагин-яна)

Бироқ қайтиб келган куникимсасиз бозорга кириб, ҳувиллаб ётган расталарни ички бир мамнуният билан айланиб кўраркан, бозор адоғидаги кичкина дарича қаттиқ итарилиб кетди. Бугада охир маъносини билдирувчи адоқ сўзи ишлатилган. Қадимги ёзув манбаларида ҳам адоқ-охир, тамом маъносида қўлланилган.

Э, иссиқ жон, Оллоим (Оллоҳим бўлиши керак) севган қўлига касал берар экан, иним.(иним-ука)

Ўқишдан ҳам гуппа йиқилиб келибсиз деб эшитдим. (гуппа-бутунлай маъносида)

Зебо шаҳарга қатнайдган автобусга ўтирар, автобус қорға бурканган қишлоқдан чиқиб бийдай дала йўлига тушган, йўлнинг адоқлари оқариб, туманлашиб кўринади. (бийдай- текис маъносида)

Адиб ўз асарларида лексик диалектизмлардан унумли фойдаланган. Масалан, “Сўнгги бекат” асарида юздан ортиқ, “Қил кўприк ” романида эллик бешта, “Оғир тош кўчса” асарида ўттиз еттита лексик диалектизмлар учрайди.. бундай диалектизмларнинг бир қисми адабий тилда ҳам бошқа шеваларда ҳам учрамайди ёки бошқа сўзлар орқали ифодаланади.

Ушбу асарларда ишлатилган лексик диалектизмларнинг бир қанчаси адабий тилда қўлланилмайди ёки улардан бир қисмининг адабий тилда эквиваленти учун ажратиб олинмаган ёки адабий тилда баравар қўлланилаверади.

3. Семантик диалектизмлар.

Бундай сўзлар шевада ҳам, адабий тилда ҳам бор бўлиб, маъно жиҳатданадабий тилдан фарқ қилади, бундай сўзларни профессор А.Ғуломов, Ф.А Абдуллаевлар семантик диалектизмлар деб атаса²⁴, профессор Ш.Шоабдурахмонов диалектизм маъно деб талқин этади.²⁵ Ҳар иккала ҳолда ҳам шевадаги сўз билан адабий тилдаги сўз фонетик шакли жиҳатдан тенг (ўхшаш) келса ҳам маъно жиҳатдан фарқ қилади.

Адибнинг “Сўнгги бекат”, “Қил кўприк” асарларида ҳам семантик диалектизмлар ишлатилганлигини кўрамиз. Масалан, ўзи тағиям битта бўлган бўлса керакда. Бу гапдаги тағи сўзи уруғ маъносида қўлланилган, шевада ҳам шу маънони ифодалайди.

Сўнг меҳмонга бетланди.(қарамоқ маъносида)

Мана шу чивинни олайлик. Мунира опа , шу чивин ҳам керак эканда.(“Сўнгги бекат”, 46-бет). Чивин адабий тилда бир маъноси билан тўғри келса, пашша маъноси билан фарқланади. Семантик диалектизмларни характерловчи белгилар ҳам бор. Масалан, омонимиядаги айирмаликлар:Қора -адабий тилда ранг маъносида; Сурхондарё шеваларида қора-қаровчи, бош, эга; қора- қиз тўйига юбориладиган қора мол; қора- пода каби маъноларни ифодалайди; Эт- гўшт, бадан: эти яхши ; Тошкент шеваларида эт-айтмоқ; 2) қилмоқ (юраги шув этди)

3) гўшт 4) элтмоқ

Полисемия билан омонимиянинг муносабати жиҳатидан шевалардан ҳар хилликлик бўлиши мумкин. Лекин бир-бири билан тарихий томондан боғланадиган бу икки ҳодисани фарқлашда ҳам баъзи ноаниқликлар бор.

Масалан, чиқ:1) томга чиқди 2)Эридан чиқди(ажралиш) 3) Шудринг – эрталабдан чиқ тушди.(Сурхондарё шеваларида)4.Чигит униб чиқди 5) Лабига учуқ чиқди. 6) Ўт чиқди.

Синонимиядаги айримликлар: хидла-иска (Сурхондарё шеваларида) кели-ўғир (олдингиси қўлланилади), қора кишмиш(узум нави). Янги –тоза ,

²⁴ Ғуломов А Диалектал луғат ҳақида, “Ўзбек тили ва адабиёти”, №4,13-б

²⁵ Шоабдурахмонов Ш Ўзбек диалектологияси. Тошкент.1969й, 30б

адоғ-адоқ. Пул-ахча, сатил-пақир-челак бундай сўзлар шевалар аро ва адабий тил билан синонимик фарқликларга эга. Сўнг илдамлаб кўрадан чикди-да, ўчоқ бошидан хокандозни олиб, қапага ўтди. Қўра- бу ерда мол қамайдиган жой, бундан ташқари, чўғ қолдиғи,кўнарғи, томизғи маъноларини ифодалайди.

Морфемаларнинг ажралиш-ажралмаслиги нуктаи назардан ҳам айирмаликлар бўлади. Солиштирайлик: йенгча(Қўқон: йенгса/ женгса-Сурхондарёда)

Боб учун хулосалар

– Шукур Холмирзаев халқнинг оғзаки нутқига хос бўлган кўплаб луғавий воситалардан фойдаланиб ўз асарлари тилини халқона бўлишига эришади.

– Ёзувчи ижодига хос оғзаки нутқ воситалари адабий тилга хослиги билан характерланади;

– Эмоцияни кўзғатиши нутқтаи назаридан ҳам ўзига хослик касб этади.

-Ўз асарларида диалектизмнинг турларидан оқилона фойдаланган. Бу эса асарлари тилига ўзгача жозоба бахш этиб турибди.

-Диалектизмлар адабий тилнинг секин-аста бойиб боришига ёрдам беради. Бунда эса ёзувчиларнинг ўрни бекиёсдир

Хулоса қилиб айтганда, Шукур Холмирзаев ҳикояларида оғзаки нутқ воситалари талайгина бўлиб, уларни кенг планда амалга ошириш галдаги вазифалар сирасига киради.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бадиий асар тилини ўрганиш том маънода ҳар бир ёзувчининг бадиий таланти, унинг иқтидори ва сўз танлаш ҳамда қўллашдаги индивидуал маҳоратини аниқлаш баробаридадир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Шукур Холмирзаев ижодини ўрганиш унинг бадиий таланти ва маҳорати нечоғлик юқори эканлигинидан далолат беради.

Авваламбор, Шукур Холмирзаев ниҳоятда ўткир дид ва зеҳнга эга бўлган ижодкордир. Унинг ҳар бир асарини ўқиган китобхон олам-олам

шодлик ва лиммо-лим қувончга тўлади. Ёзувчининг асарлари дунёсидаги ўзига хос ижодий теранлик, етуклик сирларидан воқиф бўлади.

Шукур Холмирзаевнинг ана шундай теран сўз соҳиби бўлиши, унинг улкан санъаткорга айланишида, шубҳасиз, ижод саҳифалари сабаб бўлган.. Ёзувчи асарлари тилини, хусусан, ҳикоялари бадиий тил сирларини ўрганиш жараёнида шу нарсага амин бўламизки, муаллиф умумхалқ ўзбек тили имкониятларидан етарли даражада фойдаланади ва ҳар бир асари тилини пишиқ, ихчам, мукамал бўлишига эришади. Хусусан, ёзувчи ўзбек тили луғавий ва услубий имкониятларидан унумли фойдаланади. Бу, шубҳасиз, Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилининг жозибадор, оҳангдор ҳамда таъсирчан бўлишини таъминлаган.

Шукур Холмирзаев ўзбек тили тасвирий воситаларидан, жумладан, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, бадиий такрорлардан имкон қадар фойдаланишга эътибор қаратади. Пировардида асарлари тилининг сербўёқ ва сержило бўлишига эришган.

Маълумки, Шукур Холмирзаев халқ тилига кўплаб мурожаат этади, халқона оҳанг ва халқчил ёндошув муаллиф асарлари тилини ҳар томонлама гўзал ва нафис бўлишини таъминлайди.

Ёзувчи ҳикоялари тилида оғзаки нутққа хос бўлган воситалар талайгина этганлиги билан характерланади.

Одатда оғзаки нутқ воситалари тилнинг шундай бир кўринишики, улар адабий тил ва унинг нормаларига деярли мос келмас экан, бироқ айрим оғзаки нутқ воситалари бадиий тил учун характерли жиҳатларни ёритиб беришга хизмат қилади.

Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини ўрганиш том маънода ижодкорнинг бадиий талант ва иқтидорини аниқлаш имконини беради. Ваҳоланки, ёзувчи маҳоратини белгиловчи омиллар талайгина. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда қуйидаги умумлашмаларга келинди:

1. Шукур Холмирзаев умумхалқ ўзбек тил имкониятларидан усталик билан фойдаланади. Шубҳасиз, бу жараён ёзувчи асарлари тилининг ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилган.
2. Шукур Холмирзаев ҳар бир сўздан, сўз воситасидан унумли ва ўринли ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланади. Шубҳасиз, бу жараён муаллиф ҳикоялари тилини содда, равон, қисқа, ихчам ва тушунарли бўлишини таъминлайди
3. Шукур Холмирзаев ўзбек тили тасвирий воситаларини ишлатишга алоҳида аҳамият беради, шунинг учун ҳам асарлари тили бадиий кўламдорлик нуқтаи назаридан кўтаринкилик, тантанаворлик руҳи билан суғорилган.
4. Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини халқчил бўлишини таъминлашда оғзаки нутқ воситаларининг алоҳида ўрни бор. Чунки ёзувчи жонли сўзлашув тил воситаларини ишлатишга алоҳида аҳамият беради. Ўз навбатида оғзаки нутқ воситалари муаллиф асарлари тилининг халқона бўлишига замин яратади.

Шундай қилиб, Шукур Холмирзаев моҳир сўз устаси сифатида умумхалқ ўзбек тили имкониятларидан етарли даражада фойдаланади. Бу эса асарлари тилининг сержило, сербўёқ бўлишига имконият яратган. Хусусан, ҳикоялари тили ҳар томонлама аниқ, пухта, ихчамлиги билан характерланади. Айни замонда ёзувчининг ўткир сўз соҳиби эканлиги шу орқали аниқланади. Умуман олганда, ёзувчи ҳикоялари тилини бундан-да кенг ва атрофлича ўрганиш лозим. Таъкидлаш жоизки, ф.ф.н. Р.Нормуродов “Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати” номли монографияси билан Шукур Холмирзаев ҳикоялари лингвопоэтикаси таҳлили борасида изланишлар олиб борганлар. Бу изланишлар натижасида адиб асарлари тилининг нақадар ширали, равон, ёқимли ҳамда таъсирчан эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шунга кўра ёзувчи ҳикоялари тилининг нозик қирраларини ўрганиш галдаги вазифалар сирасига кириши лозим.

Хулоса шуки, Шукур Холмирзаев ҳикоялари тилини алоҳида планда амалга ошириш ўзбек тилшунослиги ва тилшунос олимлари олдида турган вазифалардан биридир.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б.82.
2. Каримов И. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 231.
3. Каримов И. Ватан саждагоҳ каби муқаддас. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.283.
4. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бысағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.141.
5. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.19.
6. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 25.
7. Абдурахмонов Х, Махмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т, 1981. – Б.18.
8. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т, 1982. – Б.15.
9. Аширбоев С Структурно-Семаантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои .Ташкент, 1990-51-
10. Айтбоев Д. Ўзбек тилидаги перифразаларнинг мотивлашуви ва лексикографик талқини. Филол. фанлари. номз. дисс... автореф. – Т., 2007, – Б. 26,
11. Бобоев Т. Шеър илми таълими (ўзбек шеърятининг поэтикасидан сабоқлар). – Т, 1996. – Б. 229.
12. Горбачевич К. Норма современного русского литературного языка. – Москва: Наука, 1978. С. 243.
13. Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романининг лингвистик тадқиқи. Филол. фанлари. номз. дисс..автореф. – Т, 2007.

14. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982.
15. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романининг тили мисолида) Филол. фанлари. номз. диссертацияси. – Т, 2000,
16. Йўлдошев М. Бадиий нутқ лингвопоэтикаси. Монография. – Т: Фан, 2008. – 159.б,
17. Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари.– Самарқанд., 1994. – Б. 30.
18. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Филол. фанлари. д-ри. дисс..автореф. – Т, 1993.
19. Лапасов Ж. Матн матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. Б. 8-11.
20. Маҳмудов Н.Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987.№4. – Б.34-36.
- 21 Маллаев Н Ўзбек адабиёти тарихи.- Тошкент: Ўқитувчи, 1976.-354
22. Миртожиев М Ўзбек тилида полисемия.-Тошкент: Фан, 1974.-Б 9,26, 33, 71
23. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири - 90-йилларнинг бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари. номз. дисс..автореф. – Т, 2004,
24. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Т,1978,
25. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий тил маҳорати. Филол. фанлари. номз. диссертацияси. – Т, 2001.
26. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. Монография. – Т,2003.
27. Нормуродов Р. Ўзбек тилида иккиламчи номинация. Монография. – Тошкент: Фан, 2010, – 129.б.
28. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. - Т, 1970. – Б.43.
29. Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. – Т, 1981.
30. Тўрабекова С. Тил ва услуб. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.40-45.

31. Умиров И. Ўзбек тили парафразалари. Филол. фанлари. номз. дисс... автореф. – Т, 1996.
 32. Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари. Филол. фанлари. номз. дисс..автореф. – Т, 2006.
 33. Шамсиддинов Ҳ. Перифраза хусусида баъзи бир мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993, №4, 31-35-бетлар.
 34. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Филол. фанлари. д-ри. дисс... автореф.– Т., 1999.
 35. Шомаксудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. - Т, 1983.
 36. Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари. номз. дисс..автореф. – Т, 2007.
 37. Ўринбоев З. Лингвистическая природа редупликаций в современно узбекском языке. Автореф. канд. филол... наук. – Т,1982.
 38. Қаҳҳорова Қ. Чорак аср ҳамнафас. – Т, 1987.
 39. Қиличев Э.Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.106.
 40. Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. –Тошкент: Фан, 1973. – Б.27.
 41. Қўчқортюев И. Бадий нутқ стилистикаси. – Т, 1975.
 42. Қўчқортюев И. Фразеологические новаторства Абдулла Каххара: Автореф. канд. филол... наук. – Т, 1968.
 43. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т, 1977.
-